БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

43-йил чиқиши № 4 (11753). | Пайшанба, 5 январь, 1961 йил. | Баҳоси 2 тийин.

НЕФТЬ ҚАЗИБ ЧИҚАРУВЧИ ИЛҒОРЛАРГА ТАБРИК

МОСКВА, 3 январь. (ТАСС). «Альметьевбурнефть» трестига қарашли 3-пармалаш конторасининг мастери Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Гринь СССР Министрлар Советининг Раиси, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчевга хат юборибди, ўзи бошчилик қилаётган бригаданинг меҳнат зафарлари ҳақида сўзлаб берди.

Ўртоқ Гринь Валентина Гаганова ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, қолоқ бригадага ишлашга ўтди.

Бу бригада 1960 йилнинг 11 ой ва 15 куни ичида йиллик пландаги 20 минг метр ўрнига 31.300 метр нефть қудуғи қазиди. Бу миқдор ўртоқ Гринь бошлиқ бригада 1959 йилда эришган даражадан 1000 метр ортиқдир.

Н. С. Хрушчев пармалаш конторасининг мастери ўртоқ М. П. Гринга ва у бошчилик қилаётган бригаданинг ҳамма ишчиларига табрикнома йўллади.

— Қадрли ўртоқлар! — деб ёзади ўртоқ Хрушчев, — бригадангиз эришган меҳнат зафарлари ҳақида ёзилган хатингиз менга катта ҳузур бағишлади.

Пармалашнинг тезкор усулларини қўлланиш ҳамда материалларни тежаб-тергаб сарфлаш ҳисобига сиз йиллик топшириқни бир ярим баравардан зиёд қилиб ошириб бажардингиз.

Михаил Петрович, дейилади сўнгра мактубда. Сиз юксак коммунистик онглилик кўрсатдингиз, Валентина Гаганованинг ўрнак олиб, кейинда қолиб келган бригадага ўтдингиз ва меҳнатни ташкил қилишни яхшилаш, илғор техникадан моҳирона фойдаланиш ҳамда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳисобига янги коллектив билан қисқа муддат ичида илғор бригадалар қаторига чиқиб олганингиз мени айниқса қувонтирмоқда.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев ўз мактубининг охирида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети номидан ўртоқ Гринь бошлиқ бригадани катта меҳнат зафарлари билан қизғин қутлайди ва бригаданинг ҳамма аъзоларига сиҳат-саломатлик ҳамда янги меҳнат зафарлари тилайди.

ҚАРДОШЛАР ҚАЛБИГА ПАЙВАНД ГАЗИМИЗ, УЛУҒ ОИЛАДА ҚИЗИР БАЗМИМИЗ!

ЖАРҚОҚ—БУХОРО—САМАРҚАНД— ТОШКЕНТ МАГИСТРАЛ ГАЗ ҚУВУРИ ҚУРИЛИШИНИ АМАЛГА ОШИРГАН СССР ГЛАВГАЗИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИГА ҚАРАШЛИ ҚУРИЛИШ ВА МОНТАЖ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР Главгази ва Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли қурилиш ва монтаж ташкилотларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини мамлакатдаги энг йирик магистрал газ қувурларидан бири — 767 километр масофадаги Жарқоқ—Бухоро—Самарқанд—Тошкент газ қувури қурилишини муваффақиятли тугаллаганликлари билан қизғин табриклайдилар.

Бу магистралнинг ишга туширилиши газнинг жуда бой табиий ресурсларини совет халқи хизматига қўйиш, саноат корхоналарини юксак даражада тежамли энергетика ва технология ёқилғиси билан таъминлаш, табиий газдан кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун хомашё сифатида фойдаланиш, Ўзбекистоннинг кўпгина шаҳар ва посёлкаларини газлаштириш имконини беради. Республика меҳнаткашлари ёқилғининг қулай ва арзон хилини оладилар, бу эса улар турмушининг маиший шароитини анча яхшилайди.

Газдан кенг фойдаланиш иттифоқчи республикаларнинг қардошлик оиласида муваффақиятли ривожланаётган Ўзбекистон экономикасини янада юқори даражага кўтаради.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети сизларга, азиз ўртоқлар, Ватан газ саноатини янада ривожлантириш соҳасидаги топшириқларни муваффақиятли бажариш ишида янги меҳнат зафарлари тилайдилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига
СССР Министрлар Советига
КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари,
СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВГА

Биз Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, СССР Министрлар Советига ва шахсан Сизга, азиз Никита Сергеевич, мамнуният билан хабар қиламизки, СССР Главгазига қарашли умумий қурилиш ва ихтисослаштирилган ташкилотларининг ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар коллективлари мамлакатдаги энг катта магистрал газ қувурларидан бири — 767 километр масофадаги Жарқоқ— Бухоро — Самарқанд — Тошкент газ қувури қурилишини муддатидан илгари тугалладилар.

Табиий газ республика пойтахти Тошкентга етиб келди. Қурилиш ишлари чўл ва тоғли жойлардаги мураккаб шароитда олиб борилди, қувурни дарёлардан ва кўпгина суғориш каналларидан ўтказишга тўғри келди; газ қувури трассасида 2,5 миллион кубометрдан кўпроқ тупроқ ишлари бажарилди. Газ қувури қурилишини амалга оширишда Бухоро, Самарқанд, Тошкент областларининг партия, совет ва комсомол ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг қурилиш-монтаж ташкилотлари актив қатнашдилар.

Табиий газдан фойдаланиш Ўзбекистоннинг ёқилғи балансини структурасига туб ўзгаришлар киритади, ишлаб чиқариш маданиятини оширади, кимё саноатини юқори сифатли хомашё билан таъминлаш имкониятини беради ва республика меҳнаткашлари маишатини яхшилайди. Совет Ўзбекистони экономикаси ва маданиятининг янада барқ уриб яшнаши учун мислсиз истиқболлар очилади.

Улуғ Ленин партиясининг иродаси билан, қаҳрамон совет халқининг иродаси билан ўлкамиздаги битмас-туганмас ер ости бойликлари совет кишисига, унинг фаровонлиги ва бахт-саодати йўлида хизмат қилаётганлигини билиш қувончлидир.

Республика меҳнаткашлари шу билан фахрланадиларки, Ўзбекистон мамлакат газ саноатининг энг йирик марказига айланмоқда, Уралдаги, Ўрта Осиёнинг қардош республикалари ва Қозоғистондаги кекса саноат марказларининг корхоналари Ўзбекистон гази билан ишлайди.

Республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш тўғрисидаги оталарча ғамхўрлик учун Ўзбекистон меҳнаткашларининг қалби КПСС ленинчи Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига, халқ бахт-саодати учун ҳормас-толмас курашчи, Сиз азиз Никита Сергеевичга миннатдорчилик туйғулари билан тўлиб-тошгандир.

Ҳозир Ўзбекистонда Когон, Бухоро, Каттақўрғон ва Самарқанд шаҳарларидаги 78 та йирик корхона газ билан ишлашга ўтказилди, 57 минг квартира газ билан таъминланди. 1961 йилда Тошкентнинг ўнларча йирик корхоналари, Чирчиқ кимёгарлари ва машинасозлари, Бекобод ва Олмалиқ металлургиялари, Навоий энергетиклари, Мирзачўлдаги қўриқ ерларни забт этувчилар табиий газ билан таъминланадилар. Йил давомида республикада яна 50 мингдан кўпроқ квартира газлаштирилади.

Ёқилғи баланси структурасининг ўзгариши, технология процессларини яхшилаш ва ихчамлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш натижасида республика бўйича етти йилликнинг охиригача камида 5 миллиард сўм маблағ тежаб қолинади.

Бундан ташқари, республиканинг газлаштирилаётган районлари ва шаҳарларидаги аҳоли ўтин, кўмир ва керосин ўрнига газдан фойдаланиш ҳисобига ўз шахсий бюджетларида етти йиллик ичида қарийб 300 миллион сўм тежаб қоладилар.

Партия ва ҳукуматнинг доимий оталарча ғамхўрлигидан илҳомланган Совет Ўзбекистонининг меҳнаткашлари улуғвор етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва мамлакатимизда коммунизм қуриш учун умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшиш йўлида бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Секретари Ш. РАШИДОВ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси О. АЛИМОВ.

СССР Главгазининг бошлиғи А. КОРТУНОВ.

Мақсуд ШАЙХЗОДА.

ДЎСТЛИКНИНГ ЯНГИ ШАКЛИ

Пойтахтимиз Тошкент қадимий Бухоронинг яшил оловидан иссиқ нафас олиб бахраманд бўлди. Бу, шаҳарларимиз ўртасидаги дўстликнинг янги бир шаклидир. Дўстлар учрашганда қўл сиқишиб, қучоқлашиб кўришишади. Аммо, шаҳарларнинг бир-бирлари билан қучоқлашиши қийин. Бухоронинг гази Тошкентга шаҳарлар ўртасидаги дўстлик нафасини келтирди.

Қадимги Бухоронинг қадимги Тошкентга ўз саломини олов билан юбориши бу дўстликни янада иситиб юборди. Ана шу дўстлик олови—Бухоро машъаласи Тошкент қишини кесиб, унга илиқ ва самимий ҳарорат бахш этди.

Неча юз йиллаб кўхна Бухоро ерларида кўмилиб ётган оловни уйғотиб, уни бошқа шаҳарларга етаклаган, халқимизнинг оғирини енгил қилган Коммунистик партияга чексиз миннатдорчилик туйғуларидан бошқа сўз айтолмаймиз.

Тошкентнинг шоирлари,
Шеърда моҳирлари —
Юз йиллар мадҳ айлади
Бухоронинг қизини...
Аммо, бу кун шеър аҳли,
Тўғриси: бу — шаҳр аҳли,
Офарин деб мақтайди
Бухоронинг газини.

Бу бригада 1960 йилнинг 11 ой ва 15 куни ичида йиллик пландаги 20 минг метр ўрнига 31.300 метр нефть қудуғи қазиди. Бу миқдор ўртоқ Гринь бошлиқ бригада 1959 йилда эришган даражадан 1000 метр ортиқдир.

Н. С. Хрушчев пармалаш конторасининг мастери ўртоқ М. П. Гринга ва у бошчилик қилаётган бригаданинг ҳамма ишчиларига табрикнома йўллади.

— Қадрли ўртоқлар! — деб ёзади ўртоқ Хрушчев, — бригадангиз эришган меҳнат зафарлари ҳақида ёзилган хатингиз менга катта ҳузур бағишлади.

Пармалашнинг тезкор усулларини қўлланиш ҳамда материалларни тежаб-тергаб сарфлаш ҳисобига сиз йиллик топшириқни бир ярим баравардан зиёд қилиб ошириб бажардингиз.

Михаил Петрович, дейилади сўнгра мактубда. Сиз юксак коммунистик онглилик кўрсатдингиз, Валентина Гаганованинг ўрнак олиб, кейинда қолиб келган бригадага ўтдингиз ва меҳнатни ташкил қилишни яхшилаш, илғор техникадан моҳирона фойдаланиш ҳамда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳисобига янги коллектив билан қисқа муддат ичида илғор бригадалар қаторига чиқиб олганингиз мени айниқса қувонтирмоқда.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев ўз мактубининг охирида КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети номидан ўртоқ Гринь бошлиқ бригадани катта меҳнат зафарлари билан қизғин қутлайди ва бригаданинг ҳамма аъзоларига сиҳат-саломатлик ҳамда янги меҳнат зафарлари тилайди.

ГАЗЧИЛАРДАН БЕҲАД МИННАТДОРМИЗ

Биз, совет кишилари жуда ҳам ажойиб замонда яшамоқдамиз. Дунёда энг илғор совет фани ва техникаси ер ости бойликларини очиб, халқимизнинг бахт-саодатига, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилдирмоқда. Шулардан бири мислсиз бой Бухоро газининг топилиши бўлди. Бухоронинг зангори гази янги йил арафасида газ магистралидан оқиб келиб республикамиз пойтахти Тошкент корхоналаридан бир нечтасига қувват бера бошлади. Шу йил давомида гўзал шаҳримиздаги 50 мингдан ортиқ хонадон ана шу бебаҳо, арзон ёқилғи билан таъминланади.

Жаҳонда энг йирик Бухоро газ манбаини топган ажойиб геологларимизнинг, шунингдек газ қувури барпо этиш ишларини муваффақиятли бажарган қурувчи-монтажчиларнинг фидокорона, олижаноб меҳнатлари учун уларни қизғин табриклаймиз. Шонли газчиларимизга кундалик ғамхўрлик қилиб турганликлари учун жонажон Коммунистик партиямиз, Совет ҳукумати ва шахсан Никита Сергеевич Хрушчевга катта раҳматлар айтамиз.

О. АМИНОВ, профессор.

САНОАТГА ЭНГ АРЗОН ЁҚИЛҒИ

Қувонч устига қувонч! Кечагина Янги йилни — етти йиллигимизнинг забардаст учинчи йилини кутиб олиш зўр тантана айланган эди. Мана кеча радио яна хуш хабар келтирди, дилларимизни севинчларга тўлдирди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Бухоро газ қурувчиларини катта ғалабалар билан табрикладилар. Қурувчилар Тошкентга газ, нур келтириб меҳнаткашларга янги туҳфа бердилар.

Бухоронинг арзон табиий гази халқимизнинг битмас-туганмас бойлигидир. Газдан саноатда фойдаланилиши давлат ва халққа нақадар катта фойда келтиришини тасаввур этиш қийин. Ҳа, газ арзон ва жуда қулай ёнилғи. Энди ўтин-кўмир демаймиз. Биргина бизнинг «Подъёмник» заводимизда шу газдан фойдаланиш натижасида неча миллион сўмлаб давлат маблағларининг иқтисод этилишини яхши биламиз.

Заводимизда 16 минг квадрат метр майдонни эгалладиган металл конструкция цехи қурилянти. Биз ҳозиргача ҳар бири 40 тоннача келадиган крантларни Украинадан олар эдик. Ана шу цех ишга туширилгач, бу крантлар ўзимизда тайёрланади. Мана шу цех газ билан ишлайди. Цехлар, маданий-маиший корхоналар, ишчи ётоқхоналарини ҳам иситиш газ билан бўлади.

Тошкентга газ-нур келтирган қурувчиларга балли деймиз. Совет кишиларининг фаровон ҳаёти тўғрисида ғамхўрлик қилаётганликлари учун. Бухоро газ қувурчиларини яратувчилик ишларига руҳлантирганликлари ва уларнинг баракали меҳнат қилишлари йўлида ҳамма шарт-шароитни туғдириб берганликлари учун партия ва ҳукуматимизга қалбимиздан ташаккур деймиз.

А. ЕРЕМЕЕВ.
Тошкентдаги «Подъёмник» заводи ремонт-қурилиш цехининг бошлиғи.

Мамарасул БОБОЕВ.

ЁРУҒЛИК

Октябрда тонгдай ёришди бу бахт —
Ёруғлик айёми-юртим, дилимда.
Шу учун номимиз айтилса қай вақт,
Ёруғ йўллар порлар ҳамма иқлимда!

Нур бўлиб туғилдик бу кенг оламга,
Зулмат ўқонида эди бу дунё.
Қора чироқларки, улар одамга
На иссиқ берарди, на файз, на зиё.

Балки, ўшанда ҳам газли остида, —
Бахтдай ер қаърида ётган бу чироқ.
Чиқара олмаган рўёбга кимса;
Бугун ундан ёнган машъалага боқ!

Озод фарзандига сахий она ер
Борлиқ хазинасин айлади инъом.
Бу фарзанд — ҳар мулкка ўзи соҳибдир,
Олим, қурувчидир, унга шонли ном.

Зангори шуъласи уйларда ёниб,
Лаҳзада таомнинг қилар муҳайё.
ГРЭСлар- домналар бу нурдан қониб,
Шарққа ёруғ берар қуёшдай гўё.

Уй ёруғ, боғ ёруғ, саҳролар ёруғ,
Ўлкамда порлади ёруғлик асри.
Йўлимиз, келажак бахтимиз улуғ.
Ёруғлик — коммунизм демакдир асли!

1961 йил, 4 январь.

Султон АКБАРИЙ

ОЛҚИШИМ

Юрагим, тош дарёдай,
Яркираб тур ҳар ёқдай
Машъалам бор, газим бор,
Юртимда зўр базим бор.
Омон, омон-эй,
Яхши замон-эй.

Жарқоқ гази лаққа чўғ,
Гурр-гурр ёнар — иси йўқ.
Бут рўзғорни қучоқлар;
Пок-покиза ўчоқлар.
Омон, омон-эй,
Яхши замон-эй.

Номи иссиқ оловжон,
Бир таптида паловжон
Дам еб, ҳил-ҳил пишади.
Уни ақл ишлади.
Омон, омон-эй,
Яхши замон-эй.

Чўли Малик қаъридан,
Бухороннинг бағридан
Оташ олиб келган ким?
Геологим — ботирим.
Омон, омон-эй,
Яхши замон-эй.

На ўтин-у на хас бу;
Ёқимли бир нафас бу.
Бор бўл, совет ишчиси,
Улуғ тинчлик кишиси.
Омон, омон-эй,
Яхши замон-эй.

АРТИСТ ВА ГАЗ

Қувончимни изҳор қилиш сатрларимнинг дебочаси ўрнида ишлатган «артист ва газ» сўзини ўқиш билан бехиёр лабингизга табассум қалқиб чиқишига аминман. Сабр қилинг, азизим...

Бухоро гази бундан бир неча ҳафта олдин гўзал шаҳримиз Тошкент бўсағасига етиб келиб, пойтахт дарвозасини қоққан бўлса, янги 1961 йил арафасида шаҳримизга кириб келди. Беруний майдонининг ҳуснига ярашган бамисоли ёқут юлдуз каби ўчмас машъал бўлиб, фидокор газ қурувчиларимизнинг ҳимматига, партиямиз иродасига, давлатимиз валломатлигига ҳайкал бўлиб порламоқда.

Мен «артист ва газ» деб сўз бошлаган эдим. Газнинг қадрига ҳамма гўғри, юксак ва тўлиқ баҳо беряпти. Ҳамма хурсанд. Лекин биз, артистларнинг шодлигимиз поёнсиздир. Сабаб? Ҳаммангизга маълумки, биз артистларнинг иш соати бошқаларнинг иш соати тугаганидан сўнг бошланади. Спектаклдан, концертдан чарчаб ва ҳориб қайтгач, ичилган бир пиёла иссиқ кўк чойнинг роҳат-фароғатига не етсин! Олов ёқишга ариндирдик, электр плитка гоҳ тузук, гоҳ бузук, шнури узилган, сими эскирган, токнинг мазаси йўқ, пробка куйган... Хотин овора, уйқу безовта.

Азизим, «янги» ёрни кўрганда электр нури сассиқ бўлдими?» деманг. Биламиз, унинг ўз хизмати бор, кенг уйимизни ёритиб, радиомизни сайратиб, телевизоримизни яркиратиб турса кифоя. Энди кора кўмир ғамлайдиган ҳужраларимиз синди. «Кўк кўмир» ишлатамиз. Ҳаммамизнинг кўмир ғамлайдиган ҳужрамиз Бухороннинг ер остидадир.

Артист қувонади: овқати иссиқ, чойи қайноқ.

Амин ТУРДИЕВ, Ўзбекистон ССР халқ артисти.

ИНДОНЕЗИЯ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ Н. С. ХРУШЧЕВ ҲУЗУРИДА БЎЛДИ

МОСКВА, 3 январь. (ТАСС). Индонезия миллий хавфсизлик министри, армия штабининг бошлиғи генерал Насутион бошчилигидаги Индонезия Республикасининг ҳукумат делегацияси бугун Кремлда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ҳузурида бўлди.

Н. С. Хрушчев ва Индонезия ҳукумат делегациясининг аъзолари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида самимий суҳбат бўлди.

Министр Насутион Н. С. Хрушчевга Индонезия президенти доктор Сукарнонинг шахсий мактубини топширди. Н. С. Хрушчев Индонезия президентига салом ва энг яхши истаклар топширишни сўради.

МЕҲНАТ ШАРАФ КЕЛТИРДИ

ТЎЙТЕПА (Тошкент области), 4 январь (ЎзТАГ). Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозида бугун ҳамма ҳурсанд. Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Хванинг бронза бюсти очилиши муносабати билан уни табриклаш учун атрофдаги хўжаликлардан ва область марказидан бу ерга меҳмонлар келди.

Посёлканинг марказий майдонида кўп кишилик митинг бўлди. Митингни Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Р. Ғ. Гуломов очди.

Минбарга Ўрта Чирчиқ район партия комитетининг секретари Ш. С. Исамуҳамедов чиқади. У «Полярная звезда» колхозининг раиси Ким Пен Хвани колхоз ишлаб чиқаришининг талантли ташкилотчиси сифатида характерлаб, қишлоқ хўжалик артели ажойиб ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан кўпдан бери донг чиқарганлигини айтди.

Колхоздаги 300 га яқин пахтакор ҳукумат мукофотларига сазовор бўлган, улардан 26 кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган. Нигирма йилдан бери Ким Пен Хва бошчилик қилаётган аҳил оилада ўн миллат вакиллари меҳнат қилмоқда.

Илгари батқоқ бўлган жойларда ҳозир «Полярная звезда» колхозининг далалари чўзилиб кетган. Бу ерда клублар, мактаблар, магазинлар, медицина муассасаларига эга бўлган обод посёлкалар қад кўтарди. Бунда колхоз раиси Ким Пен Хванинг хизмати каттадир.

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг раиси М. Хван, Янгийўл районидаги Сталин номли колхоз раиси А. Ортиқов, Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоз раиси А. Кусаев, «Полярная звезда» колхозининг бош агрономи Тен Ен Себ қаҳрамонни қизғин табриклашдилар. Токарь Т. Е. Михалев «Узбексельмаш» заводининг коллективи номидан Ким Пен Хвани табриклади.

Ким Пен Хва ўз фаолиятига юксак баҳо берилгани учун партия ва ҳукуматга чин қўнгилдан ташаккур айтди.

Митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, ўртоқ Н. С. Хрушчев номига табрикнома қабул қилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОММУНАЛ ХЎЖАЛИК МИНИСТРЛИГИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Шаҳарлар, ишчи посёлкалари ва район марказларидаги аҳолига коммунал-маиший хизмат кўрсатиш даражасини ошириш ҳамда республикада уй-жой-коммунал хўжаликка раҳбарликни янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Коммунал хўжалик Бош бошқармаси базасида Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлиги тузилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ё. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри.
1961 йил 4 январь.

ХУШХАБАР

ЎЙҒУН

Ҳар бир ватандошнинг мусаффо қалби,
Хушхабар туфайли қувончга тўлди.
Газ келди, газ билан пойтахтимга,
Гўё қуёш кириб келгандай бўлди.
У корхоналарга арзон оловдир,
Ундан халқимизга ҳаловат-ҳузур.

Шу сабабдан бугун Тошкентда байрам,
Юзимизда шодлик, кўзимизда нур.
Кимёгар қўлида бу туганмас кон,
Минг турли буюмга айланур ҳали.
Бу ўртоқ меҳнатнинг самарасидур.
Бу асло сўнмовчи дўстлик машъали.



Бу қиз қувонмай бўладими! Янги йилнинг биринчи куниданоқ катта муваффақиятларни қўлга киритаётган Тошкент экскаватор заводининг ишчиси Амалия Дельхман коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашаётган бригада аъзосидир. Смена топшириғини орттириб бажараётган бу қиз ишчиёшлар мактабининг 10-синфида ўқимоқда. Қандайдир асбобга тикилиб турган Махмудали Ниёзов ҳам шу заводнинг ишчиси. Заводда 25 йилдан бери ишлаётган ўртоқ Ниёзов янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ топшириқни 150 процентдан бажара бошлади.

М. Комлев фотоси.

Маҳаллада маданий олов ёнади

Тунов куни оқшом пайтида Бешёғочдан ўтдим. Беруний майдонида Бухоро газининг зангори машъали порлар эди. Бу машъал биринчи кун порлаганда Бухоро гази тўғрисида ҳар қанча гап бўлса гаплашиб олганмиз. Аммо шерикларим билан бу гал ҳам яна шунинг таъриф-тавсифини қилиб кетдим. Қўйингчи, Бухоро гази Тошкентга етиб келгандан бери ҳар бир корхонада, муассаса, хонадонда севинч-қувонч, кишиларнинг ҳозирги суҳбат мавзуи шу газ бўлиб қолди.

Табиий газдек қиммат баҳо нарса бор эканми? Саноат корхоналари маданий-маиший муассасалар, коммунал хўжалиги, мактаблар шундан баҳра олади, минг-минглаб хонадонларда ана шу газ ёнади, оғиримиз енгил бўлади. Биз Бухоро гази тўғрисида гапирганимизда, шу газни бизнинг хизматимизга бўйсундирган геологларимиз, ишчи, инженер-техникларимизга яна бир марта тасанно айтмасдан ўта олмаймиз.

К. ФАЙЗИЕВ, Октябрь район Советининг депутати.

ЖУРНАЛИСТИКА ВА ПУБЛИЦИСТИКА АСАРЛАРИ УЧУН РЕСПУБЛИКА МУКОФОТЛАРИ

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1959 йил 22 январда чиқарган «Фан, техника, адабиёт ва санъат бўйича яратилган энг яхши асарларга республика мукофотлари белгилаш ҳақида»ги қарорига Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1961 йил 3 январдаги қарори билан қўшимча киритилди. Фан, техника, адабиёт ва санъат асарлари билан бир қаторда журналистика ва публицистика соҳасида яратилган энг яхши асарларга ҳам республика мукофотлари берилади.

ШТАТСИЗ ИНСТРУКТОРЛАР ИНСТИТУТИ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Жиззах районида хўжалик-маданий қурилиш ҳажми кенгайганлиги, бошланғич партия ташкилотлари сон жиҳатдан ўсганлиги натижасида район партия комитети аппаратини янги кучлар билан тўлдириш ва доимий раҳбар ходимлар коллективини вужудга келтириш зарурияти туғилди.

Шу мақсадда райком ҳузуридаштатсиз инструкторлар группаси ташкил этилди. Бу группадаги 18 инструктор партия ташкилотларининг қуйи звеносида ишлаб тажриба тўпланган актив коммунистлар, мутахассислар, ишлаб чиқариш новаторлари, пропагандистлардан иборатдир. Улар оммани уюштира оладиган ва бу оммани амалий вазифаларни бажаришга сафарбар эта оладиган қобилиятли кишилардир.

Район партия комитети штатсиз инструкторларга таянган ҳолда партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишларни кучайтиришга, жойларда партия ва ҳукумат қарорларининг ижроси учун курашни яхшилашга эришмоқда. Ҳар бир инструктор маълум корхона, колхоз, муассасага биркитилган бўлиб, улар тез-тез жойларга бориб турадилар ва хўжалик-сиёсий масалаларни ҳал қилишда бошлангич партия ташкилотларига ёрдам берадилар.

Инструкторлар район партия комитети бюро мажлисларида, пленумларида ва актив йиғилишларида муҳокама қилинадиган масалаларни тайёрлашда, меҳнаткашлардан тушган ариза ва шикоятларни текширишда, бошланғич партия ташкилотларининг ойлик ва квартал иш планларини тузишда актив иш олиб борадилар.

Ер заводида маҳсулот ишлаб чиқариш асосий кўрсаткичлар бўйича бажарилмас эди. Бунинг устига баъзи цехларда штурмчилик юз бериб турар эди. Штатсиз инструктор Исоқ Ғуломов бу ердаги ишлаб чиқариш жараёнининг ташкил этилишини ўрганди, камчиликларнинг юз беришига нималар сабаб бўлаётганлигини аниқлади.

Инструктор райком бюро мажлисида текшириш якунлари ҳақида ахборот берди ва завод партия ташкилоти ишини яхшилаш ҳақида ўз мулоҳазаларини айтди. Шундан кейин завод коммунистларининг йиғилиши чақирилди ва унда Исоқ Ғуломов райком бюро мажлисининг қарори тўғрисида доклад қилди. Йиғилишда сўзга чиққан коммунистлар райком штатсиз инструкторларининг фикрини маъқулладилар ва ишни яхшилаш учун ўзларида бутун куч ва имконият борлигини айтдилар.

Завод хўжалик ходимлари орасида давлат интизоми мустаҳкамланди, топширилган иш учун масъулият ҳисси кучайтирилди. Ишлаб чиқаришни механизациялаш юзасидан ўртага ташланган рационализаторлик таклифларининг бир қисми амалга оширилди. Натижада астасекин иш жонлана бошлади. Ўтган йилнинг октябрь ойида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамма турлари бўйича бажарилди. Қўшимча равишда 850 минг сўмлик юқори сифатли маҳсулот тайёрланди.

Пахта тозалаш заводида келтирилган янги машиналар ўрнатилмаганлиги орқасида пахтани қабул қилиб олишга тайёргарлик кечикиб кетди. Райкомнинг штатсиз инструктори Фозил Қобилов бу ердаги партия контроль комиссияси аъзолари билан биргаликда янги машина-ускуналардан фойдаланмаслик сабабларини аниқлади ва бу тўғрида маъмурият олдига конкрет таклифлар қўйди. Масалага ана шундай ёндашилиши заводда юз берган нуқсонларни тезда бартараф этишга ёрдам берди.

Район партия комитети штатсиз инструкторлар фаолиятини кучайтириш мақсадида ҳозиргача беш марта семинар ўтказди. Бу семинарларда партиявий-ташкилий ишлар структурасини яхшилаш ва такомиллаштириш, жойларда пропаганда ва агитациянинг таъсирчанлигини кучайтириш, бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот ишларини пухта йўлга қўйиш, партия мажлисларининг тарбиявий ролини ошириш ва бошқа шунга ўхшаш масалалар кўриб чиқилди.

Партия ташкилотининг таянчи бўлган штатсиз инструкторлар ўзларининг самарали ишлари билан партиялилар оммасининг ҳурматига сазовор бўлдилар.

Ю. ЮНУСОВ,
райком бюро мажлисининг котиби.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

„Дўстлик — дилни ёритган офтоб"

Шу сарлавҳа остида «Узбекистон маданияти» газетасининг кечаги сонида бир саҳифа материал босиб чиқарилди. Бу материалларда қардош Озарбайжон санъаткорлари — сўз ва соз арбобларининг бугунги қайноқ ижодий ишлари, келажак режалари ҳақида ҳикоя қилинади.

СССР халқ артисти Қамар Олмасзода ўзининг «Балет санъатимизнинг янги жанри» сарлавҳали мақоласида М. Охундов номидаги опера ва балет театри коллективи композиторлардан А. Аббосов, Р. Ҳожиев, И. Назировларнинг «Қорача қиз», «Ошиқ Ғариб», «Оқ боғ» балет асарлари устида ишлаётганликларини айтган. Музикашунос Амина Элдорова газетхонларни ўзбекларнинг ҳам севимли композитори бўлиб қолган Саид Рустамовнинг ҳаёт ва ижод йўли билан таништиради.

Булардан ташқари, саҳифада Юсуф Азимзоданинг «Яна ўша ерга келдим» сарлавҳали ҳикояси, шоирлардан Мир Меҳди Сейдзода, Анвар Алибейлининг янги шеърлари, маданият ва санъат янгиликлари ҳақида хабарлар бор.

«Ўзбекистон маданияти» газета редакциясининг илтимосига кўра Озарбайжон ёзувчилар союзи правлениеси ва республика Маданият министрлигининг органи «Адабиёт ва инжасанат» газета редакцияси уюштириб юборган бу саҳифа газетхонларни мамнун қилди.

Пропагандистлар семинари

Яқинда Сурхондарё область, Қамаши район партия комитети пропагандистларнинг бир кунлик семинарини ўтказди. Семинарда колхоз, совхоз ҳамда мактаб бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари ҳам қатнашди.

Семинарда район партия комитети ходими Саъдулла Холов «Хўжаликка раҳбарлик қилишнинг усуллари», район газетасининг секретари Мўмин Хурсанов В. И. Ленининг «Материализм ва эмпириокритицизм» асари ва унинг тарихий аҳамияти», район партия комитетининг пропагандисти Ўраз Туронов «Империализм — капитализмнинг энг юқори босқичи» деган темаларда лекция ўқидилар.

Семинарда район партия комитети агитация-пропаганда бўлимининг мудири Давлат Турсоатов лекцияларга қандай тайёрланиш ҳақида консультация берди.

Ҳ. РУСТАМОВ.

Назираой Нурматованинг қўлидан чиққан атласларни кийган аёлларимиз инҳоятда мамнун бўлишади. Ўртоқ Нурматова Қўқон шаҳридаги шойи тўқиш фабрикасида 10 йилдан бери тўқувчи бўлиб ишлайди. У ишлаб чиқарган атласларнинг ҳаммаси сифатининг яхшилиги билан ажралиб туради. Бу моҳир тўқувчи янги йилнинг биринчи куниданбошлабоқ ишлаб чиқариш нормасини 150 процентдан бажара бошлади. СУРАТДА: Н. НУРМАТОВА.
Б. Мизрохин фотоси.

ҚЎРҒОНТЕПА РАЙОНИДА

КУНДАГИСИ КУНДА

Ильич номли колхоз район марказидан анча узоққа жойлашган. Шу сабабли хат-хабар ва газета-журналларни ўз эгаларига ўша куниёқ етказиб бериш анча қийин эди. Район алоқа бўлими буни ҳисобга олиб, Абдуллабий қишлоғида янги алоқа бўлими очди. Алоқа бўлими Ильич номли колхоз аъзоларига ҳамда 4-сон мактаб коллективига хизмат қилмоқда.

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Яқинда район марказида автостанция қурилиб фойдаланишга топширилди. Янги автостанциядан Қорасув, Оқим қишлоқларига ва Андижон шаҳрига автобуслар қатнамоқда.

ЯНГИ МАГАЗИНЛАР

Район матлубот жамиятига қарашли магазинлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ўтган йили 7 озиқ-овқат магазини қурилиб фойдаланишга топширилган эди. Бу йил янги магазинлар сони янада кўпаяди.

МАИШИЙ ХИЗМАТ ЯХШИЛАНДИ

Қўштепа қишлоқ советидаги Киров номли колхозда катта ҳаммом қурилди. Ҳаммом колхозчилар учунгина эмас, пахта заводи ишчилари, Ильич номли, Навоий номли ва Энгельс номли колхоз аъзоларига ҳам хизмат қилаётир.

КОЛХОЗ ҚАССОБХОНАСИ

Бештол қишлоқ советидаги Сталин номли колхозда очилган қассобхонадан ҳамма вақт қўй ва мол гўштини сотиб олиш мумкин.

Т. АБЖАЛОВ.

ҚОРАҚАЛПОҚ ОЛИМЛАРИ ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Қорақалпоғистон автоном республикасида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг филиали ташкил этилганига бир йил бўлди, холос. Лекин, бу қисқа давр ичида қорақалпоғистонлик олимлар ўлка экономикаси ва маданияти проблемаларини ўрганишда кўзга кўринарли ишлар қилдилар. Улар Қорақалпоғистон халқ хўжалигини ривожлантириш перспективаси, қишлоқ хўжалигини рационал жойлаштириш ва такомиллаштириш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, балиқ хўжалигини ривожлантириш устида ҳамда Амударё дельтасида ўсадиган қамишдан кимёвий хомашё сифатида фойдаланиш устида ишладилар.

Академия филиали тайёрлаган «Қорақалпоғистон колхозларида пахта етиштириш учун сарфланадиган меҳнат ва пул харажатларини камайтириш йўллари ҳақида», «Қорақалпоғистон АССРда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг ҳозирги аҳволи ва келгусидаги тараққиёти», «Қорақалпоғистон балиқчилик колхозларида экономика масалалари» ва бошқа брошюралар республика халқ хўжалигини ривожлантириш ишига фойда келтирди.

Бундан ташқари, академия филиали кўпгина амалий тадбирларни ҳаётга тадбиқ қилди. Масалан, 9 колхозда хўжалик ҳисоби системаси ва пул билан ҳақ тўлаш жорий қилинди. Район ташкилотлари, колхоз ва совхоз раҳбарлари билан бирга конкрет экономикага доир зарур масалалар бўйича семинарлар ўтказилди. Олимлар қамишдан ем-хашак базаси сифатида фойдаланиш асосида гўшт маҳсулотлари етказиб берадиган чорвачилик совхозлари тузиш тўғрисида таклиф киритдилар. Таклифни маҳаллий партия ва совет ташкилотлари маъқулладилар. Ҳозир «Эркин дарё», «Усть-Юрт» деб аталган икки ана шундай совхоз ташкил этилди. Кегайли ва Чимбой райсларида ҳам шундай совхозлар ташкил қилинмоқчи.

Академия филиалининг кимё ва қурилиш материаллари лабораторияси республикамизда энг йирик қоғоз-целлюлоза комбинати қуриш билан боғлиқ бўлган илмий ишларни амалга оширди. Целлюлоза ва бошқа кимёвий моддаларга бой бўлган қамиш запаси аниқланди, илмий ходимлар қоғоз-целлюлоза комбинати қуриладиган жойни белгилашда ҳам актив қатнашдилар. Паразитология, ихтиология ва гидробиология лабораторияларининг ходимлари балиқчилик ва кўл, дарёларни текшириш соҳасида кўпгина илмий проблемаларни ҳал қилдилар. Ботаниклар Қорақалпоғистон ўсимликлар дунёсини ўрганиш ва улардан фойдаланиш йўлларини қидиряптилар. Ботаника боғининг ходимлари кўпгина ўсимликларни Қорақалпоғистон шароитига мослаб тарбиялаяптилар. Ҳозир бу ерда 250 дан ортиқ турли хил дарахт ва ўсимликлар ўсяпти.

Филиалнинг тарих, тил ва адабиёт институти ўлка маданияти ва адабиётини ўрганиш борасида дуруст ишлаяптилар.

1961 йилда филиал илмий-текшириш ишларини янада кенгайтиради. Йилнинг биринчи кварталида Қорақалпоғистон давлат нашриёти «Қорақалпоғистон колхозлари ва совхозларида маҳсулот таннархини камайтириш ва ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш йўллари ҳақида», «Қорақалпоғистон совхозлари» деган брошюраларни нашр этишни планлаштирди.

Қорақалпоғистонлик олимлар бу йил ҳам республика халқ хўжалигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишга бел боғлаганлар.

Г. Ф. КОВАЛЕВ.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

ПЎЛАТ ИЗЛАР ЛОЧИНИ

Тунда оғир юкли поездни бошқариб келган Шокиржон Урсатьевск станциясидаги локомотивчилар дам олиш уйида мириқиб ҳордиқ чиқарди. Ўрнидан туриши билан телефонга чақириб қолишди.

— Кечаги муваффақиятингиз билан табриклайман!

— Раҳмат, раҳмат. Лекин бу фақат менинг ютуғим эмас, ўртоқ диспетчер, — деди Шокиржон камтарлик билан, — юкчилар ғайрат қилишди, поезд тузувчилар вақтдан жуда унумли фойдаланишди, вагонларга зичлаб юк ортишди ва натижада состав белгиланган вақтдан эртароқ йўлга тушди.

— Дуруст, дуруст, — деди диспетчер, — ҳар қанча ўзингизни камтарликка олманг, ишларингиз барчага манзур. Қимматли вақтингизни олмаслик учун, Шокиржон, сиз билан бир масалада маслаҳатлашиб олмоқчи эдим?

— Марҳамат, марҳамат. Кенгашли тўй тарқамас деганлар.

— Кеча-ку оғир юкли поезд бошқариб келдингиз, демоқчиманки, келишда оғир юкли бўлди, кетишда ҳам оғир юкли состав бошқарсангиз.

— Маслаҳатингиздан миннатдорман. Лекин...

— Ҳа, чарчадингизми?

— Йўқ, ўртоқ диспетчер ҳар қанча оғир юкли поезд бўлса жон деб бошқаришга тайёрман. Бироқ, «Сиздан у гина, биздан бу гина» деган гап бор. Сиздан бир илтимос.

— Қани, эшитайлик?

— Йўлда кўп тўхатмасангиз...

— Хўп бўлади. Сизга «яшил йўл».

Машинист бу жавобдан ниҳоятда хурсанд бўлди ва тезроқ дам олиш уйидан чиқиб, станцияга йўл олди.

Состав тузилиб бўлган. Нормадан ташқари 4100 тонна юк ортилган. Бунча юкли состав Тошкент — Урсатьевск узайтирилган масофасида ҳаракат бошланганидан буён сира бошқарилмаган.

Машинист масъулиятни тўла ҳис қилиб ўз одати бўйича учқир бедови—«ТЭ-3» тепловозининг автотормози ва қумсепгичларини, ҳаракат қилувчи қисмлари ва ёнилғи узелларини синчиклаб кўздан кечирди.

Поезднинг шайлигига қаноат ҳосил қилгач, станция навбатчисининг кўрсатмаси билан составни бошқариб кетди.

...Оғир юкли состав Қозоғистон темир йўлига графикдан қарийб ярим соат илгари топширилди.

Тошкент тепловоз депосининг старший машинисти Шокиржон Роҳимжоновнинг номи деполиклар орасида эмас, бутун магистрал бўйлаб зўр ҳурмат билан тилга олинади. Ўртоқ Раҳимжонов раҳбарлик қилаётган локомотивчилар бригадаси коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номга сазовор бўлган. Коммунистча меҳнат қилиш ва яшашда бошқаларга ўрнак кўрсатаётган локомотивчилар бригадаси социалистик мусобақада ҳамма вақт голибликни эгаллаб келмоқда.

Бригада коллективи маҳоратни такомиллаштириб, поезд бошқаришда прогрессив иш усулларидан кенг фойдаланмоқдалар. Бундай қилиш тепловозчиларнинг ўртача суткалик йўл босишини ҳамда техника ва участка тезлигини ошириш, кўплаб ёнилғи тежаш, оғир юкли поездлар бошқариш ҳаракатини кенгайтиришга ва тепловознинг муддатидан илгари ремонтга тушмаслигига имкон бераётир.

Машинанинг қудратидан ўринли фойдаланаётган Ш. Раҳимжонов бригадаси етти йилликнинг иккинчи йилида 120 тага яқин оғир юкли поезд бошқарди. Бу поездларда нормадан ташқари салкам 40.000 тонна халқ хўжалиги юкларини манзилларга бехатар етказиб беришга муяссар бўлди. Ана шундай ишлаш натижасида 10 тоннага яқин дизель ёнилғиси тежаб қолинди. Бу, айтишга осон, бажариш эса анча куч ва ғайрат талаб этади!

Ш. Раҳимжоновдан бу ютуқнинг сири нимадалигини сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Бизнинг ишимизда ҳеч қандай сир йўқ, — дейди у. — Ўз касбини севган ҳар қандай машинист юқори кўрсаткичларга эришаверади. Гап резервлардан усталик билан фойдаланишда, меҳнатда ташаббускорлик кўрсатишда! Ҳар кимнинг ўзига хос иш услуби бўлади. Бу, тажриба билан қўшилиб, катта кучга айланади.

Ёнилғи тежайман деган машинист тепловоз кучидан усталик билан фойдаланади. Бунинг учун тепловознинг ҳар бир «нафас олиши»ни ҳисобга олиш, бунда ёнилғининг беҳуда сарф бўлмаслигини назарда тутиш шарт. Ёнилғини тепловоз деподан олиб чиқилаётгандаёқ тежай бошлаш керак. Яхши машинист тепловознинг бефойда ҳаракатланишига йўл қўймайди. Локомотив составга улангунча унинг бир секциясини ишлатса ҳам бўлаверади. Поезд жўнаш олдида иккинчи секцияни ишга солиш маъқул. Шу тарзда иш тутиладиган бўлса, бир грамм ҳам ёнилғи исроф бўлмайди.

Поезд йўлда экан, ёнилғини тежаш учун катта имкониятлар бўлади. Бунинг учун машинист аввало йўлнинг хусусиятларини беш бармоқдек билиши лозим. Масалан, мен асосан Чингелди — Урсатьевск участкасида қатнайман. Йўлнинг паст-баландлиги менга аён. Қия перегонларда машинанинг бир секциясини ўчираман, баландликка яқинлашгач, яна иккинчи секцияни ишга соламан ва маълум даражадаги тезликка чиқиб олингандан кейин яна иккинчи секцияни ўчираман, пайти келганда яна ишга соламан... Бу усулда тезлик ҳам пасаймайди, ёнилғи ҳам тежалади.

Машина парваришини севади. Подшипникларга ўз вақтида мой қуйилса, ғилдиракка ва ундан узларга оқиб тушади, тепловоз ғилдирагининг бир жойда айланаверишига сабаб бўлади. Оқибатда, қанчадан-қанча ёнилғи нес-нобуд бўлиши мумкин. Борди-ю, подшипникларга мой кам тушган бўлса, яна иш чатоқ: ғилдирак қисмларида ишқаланиш кучайиб, қизиши турган гап. Бунга яна ёнилғи ноўрин сарфланиб кетади.

Мой ва сувнинг маълум иссиқликда бўлиши ҳам муҳимдир. Чунки, сув ва мойнинг ҳарорати меёрида бўлса, машина қизиб кетмайди, бош вентилятордан жуда зарур ҳолларгагина фойдаланилади.

Ёнилғи тежашнинг энг муҳим шарти, — дейди машинист охирида, — оғир юкли поездларни бошқаришдир.

Тажрибали машинист Ш. Раҳимжоновнинг илғор усулларидан депо тепловозчилари кенг фойдаланмоқдалар. Оғир юкчи машинистлар сафи тобора кенгайиб бораётир. Ўтган йили салкам ўн минг тонна оғир юкли поезд бошқарилганлиги ва уларда нормадан ташқари 30.000 тоннадан ортиқ юк ташиб берилгани, шу йўл билан давлатнинг 2 миллион килограммдан ортиқ ёнилғиси тежаб қолинганини айтиш кифоядир.

Тошкент тепловозчилари етти йилликнинг учинчи йилида бундан ҳам яхшироқ ишлаш учун сурьатга сурьат, ғайратга-ғайрат қўшмоқдалар.

Жўрабой ХОЛҚОСИМОВ.

Ишчилар учун янги уй-жойлар

СУПЕРФОСФАТНАЯ. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Шу ном билан юритиладиган ишчилар шаҳарчасида янги йил арафасида яна учта бино қад кўтарди. Ҳар бири ўн икки хонали иккита катта корпус ва 100 киши учун ётоқхона қурилди.

Самарқанд кимёгарлари шаҳарчасида бу йил 2 минг 800 квадрат метр янги уй-жой қурилиб фойдаланишга топширилди.

Мўйноқдаги балиқ-консерва заводи ишлаб чиқарган маҳсулотларга харидорларнинг талаби катта. Завод цехлари муттасил янги техника билан қуроллантириб келинмоқда. Бу эса, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтираётир. СУРАТДА: завод цехларидан бирида.

Н. Медведев фотоси.

Ҳурмат тахтасидаги доимий ном

Бугун шаҳар савдо бўлими жойлашган катта ҳовли ўртасига янгигина ўрнатилган Ҳурмат тахтаси ёнидан одам аримай қолди. Зарур иш билан кирган кишилар ҳам шу тахтага бир қиё боқмасдан, уни назаридан ўтказмасдан ўтиб кета олмас эди. Ҳурмат тахтасига сурати қўйилган соч-соқолига оқ оралаган бир киши уларнинг диққатини айниқса ўзига жалб этди. Бу киши — Аюб Ризаев эди.

Дарҳақиқат, ўртоқ Ризаев ҳаммасининг диққатига ва ҳурматига сазовор киши. У Бухоро савдо бўлимининг шохобчаларида ҳалол ишлаб, ўз касбида бой тажриба тўплаб келади. Аввал у оддий биноқор ишчи эди. Касаба союз ташкилоти ўртоқ Ризаевни шаҳар меҳнат бўлими қошида очилган қисқа муддатлик дўкон мудирлари тайёрлаш курсига юборди. 1930 йил бу курсни битириб, савдо соҳасида ишлай бошлади. У ҳам ишлаб, ҳам кечки ишчилар университетида ўқишни давом этдирди. Ҳисоб-китоб ва савдо-молия соҳасида анча малака орттирди. Ана шундан бери узлуксиз бир касбда, савдо ходими бўлиб ишлаб келаётибди.

Аюб ака Ризаев кейинги етти йилдан буён шаҳар савдо бўлимикинг 30-сонли саноат моллари магазинида мудирлик қилади. Киров кўчасидаги бу магазинда илгари вақтларда савдо оборотини планлари бажарилмас, кўп вақт растрата бўлиб турарди. Ўз ишига астойдил муҳаббат қўйган, тажрибали савдо ходими Аюбака магазинни қабул қилиб олиши биланоқ, ана шу аҳволларга барҳам берди. Оз вақт ичида савдо-сотиқ ишларини тубдан яхшилаб юборди. Ички имкониятлар ва резервларни ишга солиб, янги бўлимлар очди, икки жойда магазинларнинг филиалини ва бир кўчма дўкон ташкил этди.

— Магазинимизда, — дейди Аюб ака Ризаев, — савдо-сотиқ кенгайтирила борилгач, бино торлик қилиб, савдо оборотини планига кўра талабга жавоб беролмайдиган бўлиб қолди. Сўнгра бу масалани шаҳар савдо бўлими олдига қўйдик. Ўтган йили мана шу янги бино қуриб берилди. Янги магазинга кўчиб ўтишимиз билан ишимиз янада юришиб, савдо-сотиқ авж олиб кетди.

Кенг ва ёруғ магазинда парфюмерия-галантерия, трикотаж-тайёр кийимлар, газлама бўлимлари ташкил қилинди. Тайёр кийимлар бўлимида кийиб кўриш хонаси, кўча томонида эса кўргазма очилди. Трикотаж буюмлари, галантерия моллари, ип ва бошқа саноат молларининг кенг ассортименти катта тахтада кўрсатиб қўйилган. Магазинга кирган харидорларнинг кўзи биринчи марта ана шуларга ташланади. Ҳар қайси молнинг номи, баҳоси ёзилган. Магазиндаги сотувчилар ҳозиржавоб ва ширин сўз.

— Газлама савдо қиладиган Искандар Еникеев шогирдим, анови қизимиз Мўмина Хўжаева бўлса ўтган йили кооператив техникумини битириб чиққан ёш сотувчимиз, — дейди Аюб ака ва сўзида давом этади. — Магазинида растаратасиз ва шикоятсиз ишлаш ҳар кимнинг ўзигз боғлиқ. Сотувчи ҳам, мудир ҳам харидорлар талабини кун сайин ҳисобга олиб бориши, хилма-хил моллар келтириб туриши, растрата қилмаслик учун ўз ишига пухта бўлиши керак.

Бир касбда ўттиз йилдан бери самарали ишлаётган Аюб ака Ризаев мудирлик қилаётган магазин йилдан-йилга савдо планини ошириб бажара ётибди. 1958 йилда савдо оборотини план 111,3 процент, 1959 йилда 114 процент бажарилган бўлса, 1960 йилда ундан ҳам катта ютуқ қўлга киритилди. 1960 йилга белгиланган савдо оборотини плани муддатидан икки ой олдин бажарилди. Шу сабабдан магазин мудирининг номи Ҳурмат тахтасидан тушмайди.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

МЕҲНАТКАШЛАР ХАТЛАРИ ИЗИДАН

ТОКАЙГАЧА

Тошкентнинг «Узбексельмаш» асбобсозлик, абразив заводлари ва бир қанча ғишт заводлари жойлашган қисмида Киров район аҳолисининг деярли ярми яшайди. Лекин бу томонга фақат 9-маршрут бўйича автобус қатнайди, шунинг учун ҳам бу маршрутдаги автобус тўхтайдиган жойларда кўп йўловчилар узоқ вақт машина кутиб қоладилар. Бунинг устига автобусларнинг график бўйича қатнамаслиги, баъзи шоферларнинг тез-тез графикни бузиб, ўзи истаган вақтда машинани гаражга қараб ҳайдаши йўловчиларни сарсон қилмоқда. Бундай аҳвол токайгача давом этади?

Редакция ишчи-хизматчилардан 200 киши қўл қўйган бу хатни Тошкент шаҳар пассажирлар ташиш трестига чора кўриш учун юборган эди. Трест бошқармасидан қуйидаги жавоб хати олинди:

«Хатда келтирилган фактлар тўғри. Йўловчиларнинг ҳақли талабларини қондириш мақсадида трест бошқармаси бу маршрут бўйича автобуслар ҳаракатини яхшилашга қаратилган баъзи чораларни кўрди. Бу йўлга қўшимча 4 та автобус чиқарилди. Илгариги «ЗИС-155» маркали автобуслар «ЗИЛ-158» маркали машиналар билан алмаштирилди. Махсус диспетчерлик пункти ташкил қилинмоқда. Бу эса, автобусларнинг график бўйича ишлаб туришини таъминлаш имконини беради.

Бироқ, бу чоралар билан автобусларнинг ҳаракатини яхшилашда қутилган мақсадга эришдик деб бўлмайди, чунки. Юнусобод йўли жуда ёмон. Машиналарнинг тез-тез ишдан чиқиб туришига, графикнинг бузилишига йўлнинг ўнқир-чўнқирлиги сабаб бўлмоқда.

Бошқарма бу йўлни тузатиш масаласида Тошкент шаҳар Советига мурожаат қилди. Бироқ натижа бўлмаётир».

Юнусобод йўлини тузатиш тўғрисидаги талабларга Киров район раҳбарлари эътибор бермаётганликлари ҳақида редакцияга меҳнаткашлар огзаки, ёзма шикоятлар қилдилар. Киров район ижроия комитети раиси ўртоқ Брайловдан ва ижроком бўлимларидан олинган жавоб хатларда бу йўлни тузата бошлангани ёзилган эди. Амалда эса йўлни тузатишга ҳали ҳам киришилмаяпти. Район раҳбарларининг газетхонларни тинчитиш учунгина шундай жавоб хати ёзганига ҳайрон бўлади киши.

МАРРАДА

Улкан хўжаликнинг ҳамма тармоқларини комплекс ривожлантириш учун курашаётган Тўрақўрғон районидаги «Гигант» колхозининг меҳнаткашлари ўтган йили давлат омборига 6 минг 402 тонна «оқ олтин» топшириб, пахта тайёрлаш планини бажаришга муваффақ бўлдилар. Бу ғалаба осонлик билан қўлга киритилмади. Ер структурасининг хилма-хиллиги, сув тақчислиги ва ниҳоят бу йилги обҳавонинг ноқулайлиги сабабли юз берган қийинчиликлар колхоз деҳқонларининг пўлатдек мустаҳкам иродасига гов бўлолмади. Колхозда ҳар гектар ердан ўртача 28 центнердан ҳосил йиғиб олиеди. Акбар Йўлдошев, Терентий Цой, Сафробой Имомбердиев ўртоқлар бошлиқ илғор бригадаларда эса ҳосилдорлик гектар бошига 36 центнерга кўтарилди.

Колхозда қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланиш ҳам ўтган йиллардагига нисбатан анча яхши бўлди. Ғўза парвариши билан боғлиқ бўлган ҳамма ишлар техника воситасида бажарилди. Бу эса кетмондан бутунлай воз кечиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва пахтанинг таннархини кескин даражада камайтириш имконини берди. Пахтачиликни комплекс механизациялашнинг муҳим звеноси бўлган машина теримига алоҳида эътибор берилди. 13 та терим агрегати ёрдамида 802 тонна пахта териб олинди. Механизаторлик касбини пухта эгаллаган Цхе, Нурматов, Матмуродов ва Сулаймонов ўртоқлар сингари механик-ҳайдовчилар ўз агрегатлари бункеридан 100-125 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

Колхоз раҳбарлари мавсум бошиданоқ кўпминг килограммчилар ҳаракатини авж олдириб, ишга яроқли ҳамма кучларни пахта йиғим-теримига сафарбар этди. 2 мингдан ортиқ киши теримга жалб қилинди. 240 дан ортиқ колхозчи 10 тоннадан ошириб пахта терди.

Колхоз икки йиллик гўшт сотиш планини шу йилнинг ўзидаёқ бажарди. Давлатга сут, жун, тухум ва пилла топшириш мажбуриятлари ҳам тўла адо этилди.

«Гигант»ли мардлар маррага етдилар. Лекин улар қўлга киритилган ғалаба билан чекланиб қолмай, далалари ҳосилини сира нобуд қилмай йиғиб-териб олиш ва она-Ватанга яна камида 1000 тонна «оқ олтин» етказиб бериш тўғрисида янги мажбурият қабул қилдилар.

Колхознинг азамат пахтакорлари шонли Коммунистик партиямиз Марказий Комитетининг навбатдаги пленуми шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, ўз зиммаларига олган мажбуриятларини сўзсиз бажариш ва келгуси йил ҳосилига пухта замин ҳозирлаш учун курашни қизғин давом эттирмоқдалар.

И. ТУХТАСИНОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.



Андижон области. Тельман номли колхоз «оқ олтин»дан юқори ҳосил олиш билан доим тараддй. Бу колхозга ўн бир йилдан бери Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Майрамхон Йўлдошева раҳбарлик қилади. Ўтган 1960 йилда бу колхоз аъзолари Олтинкўл районида биринчи бўлиб давлат пахта тайёрлаш планини бажардилар. Ҳар бир гектар ердан 33 центнердан ҳосил олинди. СУРАТДА: Майрамхон ЙЎЛДОШЕВА.

Л. Мейнерт ва Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҚУВОНЧЛИ ЯКУНЛАР

Самарқанд районидаги «Ленинобод» колхози сут етиштиришни кўпайтиришда областда биринчиликни эгалламоқда. Колхоз чорвадорлари ўтган йилнинг ўнбир ярим ойи мобайнида ҳар сигирдан 1959 йилдагидан 250 килограмм кўп сут олдилар.

Колхозда сут етиштириш юзасидан олинган мажбурият муддатидан илгари адо этилди, ҳар сигирдан ўртача 2800 килограммдан сут олинди. Бу ерда сигирларни «арча» усулида соғиш жорий этилгач, маҳсулот таннархи анча арзонлашди, бир центнер сутнинг таннархи 1959 йилдагига қарагакда 1960 йилда 30 сўм камайди.

М. ҲАЙДАРОВ.

Байроқдор районда

Мамлакатимизда чорвачилик маҳсулотларини мўл-кўл қилиш учун курашга муносиб ҳисса қўшиш учун интилаётган Пахтакор районининг чорвадорлари йил сайин яхши натижаларга эришмоқдалар. Район колхозларида қорамоллар, чўчқа ва паррандалар сони кейинги икки йил ичида 2-3 баравар кўпайди. Улардан олинадиган маҳсулот эса бундан ҳам ортди.

Районда 1960 йилнинг охиригача 8000 бош қорамол, 1770 бош чўчқа бўлиши керак эди. Чорвадорларнинг астойдил ишлашлари туфайли ҳозир фермаларда 10942 бош қорамол ва 3621 бош чўчқа боқилмоқда.

Чорвадорлар моллар туёғини кўпайтириш билан бирга давлатга кўплаб чорвачилик маҳсулотлари етказиб бердилар. Район сут ва гўшт сотиш соҳасида 1,5-2 йиллик планни бир йил ичида адо этди.

Йирик пахтакор хўжаликлардан бири ҳисобланган «Коммунизм» колхози чорва моллар сонини кўпайтириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишда район сводкасида биринчиликни қўлдан бермади. Колхозда қорамоллар 1320 ўрнига 1750 бошга, чўчқалар 340 бош ўрнига 605 бошга етди. Шу билан бирга, давлатга гўшт, сут, тухум етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятлар тўла бажарилди.

Колхоз чорвадорлари қишловга ҳар йили пухта тайёргарлик кўрадилар. Улар чорвачиликнинг ривожланиши молларни қишдан соғлом ва семиз олиб чиқишга боғлиқ деб ҳисоблайдилар. Шу туфайли сигирлардан сут соғиб олиш бир йил ичида 2,3 баравар кўпайди. Бу ерда қишга пухта тайёргарлик кўриб қўйилган. Силосхоналардаги маккажўхори силоси ҳар бир сигирга 20 тоннадан тўғри келади. Қорамол ва чўчқалар ремонт қилингай ва янгидан қурилган биноларда қишламоқда.

«Октябрь 40 йиллиги» колхозида ҳам чорвачилик тез ривожланяпти. Бу ерда қорамолларни кўпайтириш плани 131,9 процент, чўчқаларни кўпайтириш плани 217 процент ва паррандаларни кўпайтириш плани 185 процент бажарилди. Давлатга гўшт, сут, тухум сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар анча ошириб адо этилди.

Чорва молларни сақлаб қолиш ва давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотишда Калинин номли, Сталин номли ва «Победа» колхозлари ҳам яхши натижаларга эришдилар. «Победа» колхозининг коммунист Ҳакима Ҳошимова мудирлик қилаётган чўчқачилик фермасида пландаги 340 ўрнига 550 бош чўчқа боқилмоқда. Чўчқабоқарлар ҳар бир она чўчқадан 27 тадан бола олиб, уни тўла сақлаб қолдилар.

Районда чорвадорларга доимий ғамхўрлик қилинмоқда. Колхозларнинг ҳар бир молхонаси қошида чорвадорлар учун ётоқхоналар ташкил этилган. Ҳар бир фермага ем-хашак ташиш учун биттадан автомашина биркитиб қўйилган. Район чорвадорлари етти йилликнинг учинчи йилида чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини оширишда, маҳсулот таннархини камайтиришда янада салмоқлироқ натижаларга эришиш учун курашаётирлар.

А. ЭШМУРОДОВ.

Қорақум канали сувлари далаларга йўл олди

АШХОБОД. (ТАСС). Мурғоб ва Тажан водийларидаги колхоз ва совхозлар чигит экиш учун мўлжалланган далаларга Туркманистонда биринчи бўлиб яхоб суви бера бошладилар. Бу сув 540 километр узуниликдаги Қорақум каналидан оқиб келмоқда.

Туркманистон пахтакорлари бу йилги ҳосил учун 221 минг гектар ер ажратишни мўлжаллаб қўйдилар. Қорақумдаги кенг унумдор қўриқ ерларда алмашлаб экиш жорий қилинади. Чигит экиш учун ажратилган ерларнинг каттагина қисми ҳозирдаёқ шудгорлаб қўйилди. Илғор хўжаликларда тракторларнинг икки сменада ишлаши ташкил қилинган.

Етти йилликнинг учинчи йилида республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари 466 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилдилар. Бу миқдор ўтган йилдагига қараганда, қарийб 100 минг тонна кўпдир. Асосан пахтанинг қимматли ингичка толали навларини етиштириш кўпайтирилади.



Тошкент область, Пискент районидаги Жданов номли колхоз аъзолари пахта планини бажарганларидан кейин шудгорлашни кучайтириб юбордилар. Колхоз механизаторлари «СКГХ—6а» квадрат-уялаб экадиган 10 та селкани муддатидан олдин ремонтдан чиқардилар. СУРАТДА: ремонтдан чиққан селкалар.

Қ. Розиқов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Замонамиз Қаҳрамонлари

Мард майдонда синалади

Умумий йиғилишда айтилган гаплар унинг бутун фикр-зикрини чулғаб олди. Йўл-йўлакай «Валентин Тюпко, Ғанишер Юнусов» деган сўзларни бир неча бор такрорлади. Илгарилари ишдан кейин мотоцикл миниб, кўча чангитиб юрган Тоғай полвоннинг юриш-турғиши ҳам, кулгиси ҳам кун сайин ўзгара борди.

Бироқ, у кўнглига нимани жазм қилганидан ҳали ҳеч кимнинг хабари йўқ эди. Ўз тенгқурлари Тоғайдаги ўзгаришни кўриб, унинг қитиғига тегишарди:

— Хўш ўртоқ, нима, уйқудан қолганмисан?

— Уйқудан қолганга ўхшамайди, хотини билан уришган бўлса керак...

Тракторчи улфатларининг ҳар қайсиси ҳар нарса деб тегажоқлик қилса ҳам Тоғай уларга кўнглидагини айтмади. Ишдан кейин мотоциклини дала шийпонида қолдириб, бир ўзи яёв уйига қайтди. Идоранинг рўпарасидан ўтаётиб кўнглидан ўтказди: «Тўхта, Тоғай. — деди у ўз ўзига, — хўш, сен йигирма йилга яқин механизатор бўлиб ишлаб, колхозчи-механикларнинг оғир меҳнатини енгиллаштириш соҳасида нима янгилик яратдинг. Янгилик яратиш қўлингдан келмаса, Тюпко билан Ғанишер изидан эргаш. Улардан сенинг қаеринг кам...».

У қандай қилиб правление идорасига кирганини ўзи ҳам билмай қолди. Идорада колхоз раиси, партия ташкилотининг секретари, бош агроном нима ҳақдадир суҳбатлашиб ўтиришарди. Тоғай тўғри бориб, раис билан саломлашди-да, ўтирмай тикка тураверди.

— Келинг ўртоқ Абсаматов, хўш, хизмат? — деди раис.

— Хизмат йўқ. Ўзим, шундай...

— Нега ўйчан кўринасиз, қани ўтиринг.

Тоғай ўтирди. Ундаги жиддийликни кўриб, узоқ вақт жим қолишди. Ниҳоят Абсаматовнинг ўзи гап бошлади:

— Аввало, мен коммунистман, сўнгра қарийб 20 йилдан бери трактороси бўлиб ишлайман...

— Хўш, нима бўпти, — луқма ташлади партком секретари.

— Нима бўларди. Кечаги мажлисда Валентин Тюпко ва Ғанишер Юнусовлар қилаётган ишни ҳамма эшитди. Хўш, бизчи, нега биз фақат эшитиб қўяверамиз, нимага уларнинг орқасидан эргашмаймиз! Энди Тоғай Абсаматовнинг нима демоқчи эканини ҳамма тушунди. Раис ўрнидан туриб Тоғайнинг қўлини сиқди:

— Балли йигит, биз ҳам худди шу масала устида бош қотириб ўтирган эдик. Трактор-далачилик бригадасига раҳбарлик қиладиган бирор мард йигит ичимиздан отилиб чиқармикан деган умидда эдик. Айни муддао бўлди. Мана ўз оёғинг билан келдинг!

1956 йил баҳорида Сурхондарёда биринчи бўлиб. Тоғай Абсаматов Шўрчи районидаги Калинин номли колхознинг трактор-далачилик бригадасига бошлиқ қилиб тайинланди. Ўша пайтда кўплар бу янги йириклашган бригаданинг мўл ҳосил етиштиришига ишонмадилар.

— Кетмон ишлатмай ҳосил олиб бўпти; ўзини ҳам, халқни ҳам овора қилиб, масхара бўлади, — дейишди баъзи консерваторлар.

Аммо, коммунист Тоғай Абсаматов катта мақсад сари қатъий ирода билан олға кетди, ўз олдига қўйган мақсадига қадамба-қадам эриша борди.

Ўша йили янги трактор-далачилик бригадасига 315 гектар ер, 130 ишчи кучи, 6 та трактор биркитиб берилди. Абсаматов бригадани 6 звенога бўлиб, тракторчиларни звено бошлиғи қилиб тайинлади. Шу йилиёқ колхозчилар кетмондан воз кечдилар, ғўза парваришидаги ҳамма ишлар машиналар елкасига юкланди.

Тоғай полвоннинг жасурона плани тўла амалга ошди. Бригада аъзолари ўз олдиларига қўйган мақсадларига эришдилар: колхозда энг юқори ҳосил ва энг арзон пахта етиштирилди. 315 гектар ердан кетмон ишлатилмай 28 центнердан ҳосил олинди. Ана шундай қилиб колхозда пахтачиликни комплекс механизациялашга катта замин яратилди.

1957 йилда эса ҳосилдорлик гектар бошига яна 2 центнер оширилди. Трактор-далачилик бригадасининг меҳнат унумдорлиги ҳам анча юқори бўлди. Меҳнатга яроқли ҳар бир киши бошига етиштирилган пахта оддий бригадалардагидан икки баравар зиёд бўлди.

1958-1959 йилларда Тоғай Абсаматов бригадаси янада яхши натижаларга эришди. Областдаги юлаб бригадалар унинг орқасидан эргашдилар. Ҳамма жойда трактор-далачилик бригадалари тузилди.

1959 йил охирида Тоғай Абсаматов ҳаётида яна бир катта ўзгариш рўй берди. Қўшни Ленин номли колхоз 1960 йилда бутунлай комплекс механизация усулига кўчадиган бўлиб қолди.

— Энди менинг жойим ўша ерда бўлиши керак, — деди Тоғай полвон. — энг оғир, кам ҳосил участкага бориб ишлайман. Ўша йили январь ойида Абсаматов Ленин номли колхозга ўтди.

— Менга колхозда энг кам ҳосил олаётган бригадани беринглар, — илтимос қилди у правлениедан.

Механизаторнинг илтимоси қондирилди. Унга колхознинг «мириштор» участкасидаги энг қолоқ, обҳаво энг қулай келган йилларда ҳам гектаридан эўрга 25 центнер ҳосил олган бригада берилди.

Тоғай бригадани қаҳратон қишда — январь ойи бошларида қабул қилди. Олдин колхозчилар билан танишди, сўнгра ўзи меҳнат қиладиган бригада ерларини кўздан кечирди. Бу ерларни кўриб юраги орқасига тортиб кетди: бирор гектар ҳам текис ер йўқ. Ҳамма ёқ тепалик, жарликдан иборат. Ер чеккалари шудгорланмай қолиб кетган. Бригадир кўп ўйланиб қолди. Бу майдонларда ўсимликни икки томонлама парвариш қилиш ҳақида фикр юргизишнинг ҳожати ҳам йўқ эди.

Ҳамма ёқни қалин қор қоплаган, қишнинг айни қирчилламаси. «Номус ўлимдан қаттиқ, мард бўлиб майдонга кирдингми, орқангга тисарилма», қўнглидан ўтказди Тоғай. Қаттиқ совуқларга қарамай миришкор қишлоғида меҳнат қайнади. Абсаматовнинг ўзи бульдозер рулига ўтирди. Қудратли машинанинг мотори тонг азонидан қоронғи кечгача бирор соат ҳам ўчмади. Тепаликлар жар ва сойларга суриб ташланди. Дала ўзгара борди. 10-15 кунлик қаттиқ меҳнатдан кейин қўлнинг кафтидай теп-текис, унумдор ва майин тупроқли ер пайдо бўлди. Бригадирнинг шижоат ва жасоратига ҳамма ҳайрон қолди. Тепаликларнинг кучли тупроғи қиш бўйи қорёмғир тегида баҳоргача кўпчиб ётди.

Баҳор инжиқ келди. Лекин обҳаво бригада аъзоларининг саботматонатини бўшаштира олмади. 160 гектар ернинг ҳаммасида эрта баҳорда чигит квадрат-уялаб экилди. Ғўзани қийғос ундириб олиш ва тўла сақлаб қолишда ҳам муҳим агротехника тадбирлари қўлланилди.

— «СБВХ-4» маркали уруғни аниқ ташлайдиган сеялкадан фойдаланганлигимиз туфайли гектар бошига 50 килограммдан чигитни тежаб қолдик. — дейди бригадир.

Ғўза қатор-оралариии ишлаш даврида ҳам осон бўлмади. Кўкламнинг совуқ келиши сабабли ўсимликларнинг ривожланиши сусайди. Ёш ғўзаларни эҳтиёткорлик ва ғамхўрлик билан озиқлантириш ва парвариш қилишга тўғри келди.

Бу ерда ҳам 4 та звенонинг ҳаммасига тракторчилар раҳбарлик қилдилар. Ғўза узунасига ва кўндаланигига механизмлар билан ишланиб тургани учун кетмонга ҳожат қолмади.

— Бу суғоришда ҳам янги ва тежамли усулни қўлландик, — деди суҳбатда ўртоқ Абсаматов,— ўқ ариқлар олмасдан, суғориш ишларини озиқлантириш билан кўшиб ўтказдик. Бу усул катта афзалликлар берди.

Қилинган фидокорона меҳнат зое кетмади, Саҳий табиат, кучли тупроқ бригада аъзоларини тақдирлади. 160 гектар ернинг ҳаммасида ҳеч қачон кўрилмаган мўл «оқ олтин» етиштирилди.

Пиғим-терим кампанияси зўр уюшқоқлик билан бошланди. Сентябрь ойининг учинчи ўн кунлигида пахта териш машинаси ишга тушди. Машина штурвалига бригадирнинг ўзи ўтирди. Теримнинг қизғин кунларида бригада йиллик планнинг 4 процентига етказиб пахта топшира бошлади.

Машҳур механизатор Тоғай Абсаматов бошлиқ бригада аъзолари 160 гектар ердан 500 тонна ҳосил кўтардилар. Ҳар гектар ердан 32 центнердан ошиқ, ёки ўтган йилга нисбатан гектар бошига қарийб 9 центнер кўп пахта териб олинди. Абсаматовнинг ўзи машина бункеридан 160 тонна пахта тўкди.

— 1959 йили мен раҳбарлик қилган бригадада 1 центнер пахтанинг таннархи 160 сўм бўлган эди. 1960 йили 125 сўмдан ошмади. — дейди ўз ишидан мамнун ҳолда Абсаматов, — биз дала ишларининг дастлабки кунлариданоқ фақат юқори ҳосил учунгина эмас, шу билан бир қаторда арзон пахта учун курашиб келяпмиз. Арзон пахта етиштиришда Валентин Тюпко эришган даражага етишишимизга ҳали узоқ. Бироқ, биз етиб оламиз.

Механизаторлардан Қўшоқ Мелимуродов, Бобораҳим Оқбоев, Мирза Зиёев, Абдуназар Қурбонов раҳбарлик қилаётган звеноларнинг ҳаммаси ҳам олинган социалистик мажбуриятларни ошириб бажардилар. Айниқса Қўшоқ Мелимуродов бошлиқ звено аъзолари ажойиб натижага эришдилар. Улар 40 гектар ердан 40 центнердан ҳосил териб олдилар.

Шу кунларда бригада аъзолари янги йил мўл ҳосили учун пухта замин ҳозирлаяптилар. Ғўзапоядан тозаланган 102 гектар ер сифатли шудгор қилинди. Шудгорлаш олдидан ҳар гектар майдонга 7 тоннадан маҳаллий ўғит, 300 килограммдан минерал ўғит солинди. Азамат пахтакорлар 10 январгача шудгорлашни, ариқ-зовурларни тозалаш ишларини тугаллаш учун курашмоқдалар.

«Мириштор» ерларини унумсиз ва камҳосил деб энди ҳеч ким айтаолмайди. Донгдор механизатор Тоғай Абсаматов бошлиқ бригада азаматлари бу майдонларда жиддий синовдан ўтдилар.

А. ХАЛИЛОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг Сурхондарё область мухбири.

ИККИ ДИПЛОМЛИК БЎЛАДИ

Олий педагогик билимга эга бўлган коммунист Ҳалимжон Холмирзаев «Коммунизм» колхози правлениеси раислигига сайланганидан кейин қишлоқ хўжалигини бошқаришда, айрим масалаларни илмий асосда ҳал этишда анча қийинчиликларга дуч келди.

Педагог — бу тарбиячи, деҳқон эмаску!

Лекин, Ҳалимжон деҳқон оиласида туғилиб ўсган. Ёшлик чоғларида ҳам ўқиб, ҳам далада ишлаган, зеҳнили, кўп нарсага ақли етадиган йигит. Унинг ота, онаси, қариндошлари пахтачиликда ишлайверіб, бой тажриба тўплаган кишилар.

Оилада кўрган тарбия, чиниқиш ва оила аъзолари билан биргаликда меҳнатда тобланиш Ҳалимжон Холмирзаев учун катта хўжаликка раҳбарлик қилишда кўл келди.

— Минг қилса ҳам деҳқоннинг ўғли-да, дейишарди колхозчилар.

Ўқитувчиликдан воз кечиш унинг учун оғир эди. Неча йиллар ўқиди, таълим олди. Бироқ, зарурият туғилганида, халқ қўллаб-қувватлаб ишонч билдиргаида, педагоглик касбида қолиш, колхозга бормаслик онгли, билимли коммунист учун оғир туюлди. Партия топшириғи, халқ топшириғи коммунист зиммасига катта масъулият юклаши аёнку!

Ҳалимжон Холмирзаев бундай пайтда иккиланмади, партия манфаати нимани раво кўрса ўшани бажо келтиришни виждон амри деб билди. У колхозга раис бўлганида ишлар чакки бўлмади. Ахир илмли киши ўзи учун, бошқалар учун йўл топа олиши, янгиликни ҳис этиши; фақат олға интилиши турган гап. Илмли киши дард қолмайди.

Узоқлардан, ўтган йиллардан мисол келтирмайлик. Шу йилнинг якунлари «Коммунизм» колхози қанчалик илгарилаб бораётганлигини кўрсатиб турибди. Олий маълумотли Ҳалимжон Холмирзаев бошқараётган бу хўжалик ўтган йили ҳар гектар ердан 34 центнердан ҳосил кўтарди, социалистик мажбурият ошириб бажарилди, давлатга икки ярим йиллик план миқдорида гўшт сотилди, сут, ёғ мўл бўлди.

Бу муваффақиятлар колхоз раисини ҳам, у бошчилик қилаётган коллектив хўжалик аъзоларини ҳам, уни тарбиялаб камол топтирган партия ташкилотини ҳам эсанкиратиб қўймади! Билим, малака қанчалик оша борса, хўжаликка раҳбарлик қилиш шунча ўнгай бўлади. Демак, педагог колхоз раҳбарлигида ишлар экан, қишлоқ хўжалик илмини ҳам эгаллаши тақозо этилади. Бу ҳақиқатни яхши тушунган Ҳалимжон Холмирзаев қишлоқ хўжалик артели правлениесига раислик лавозимига сайланган йилиёқ Тошкент қишлоқ хўжалик институтига сиртдан ўқишга кирди. У ҳозир тўртинчи курс студенти. Яна икки йилдан кейин унда ҳам педагог, ҳам қишлоқ хўжалик мутахассиси деган иккита диплом бўлади.

Андижон область, Чинобод районидаги 9 колхоз раисидан 4 киши, партия комитетлари, бошлангич партия ташкилотлари секретарларидан икки киши олий, қолганлари тўлиқсиз олий маълумотга эга.

Шу нарса ибратли ва қувончлики, колхоз кадрларининг асосий қисми олий мактабларнинг сиртқи бўлимларида ўқиётир. Киров номли колхоз раиси Мирзакарим Олимов Тошкент молия-иқтисод институтининг 3-курсида, Лекин номли қишлоқ хўжалик артелининг раиси Ҳошимжон Эгамбердиев қишлоқ хўжалик институтининг 2-курсида ўқияпти. Маматисоқ Тожибоев «Партия XIX съезди» колхози раислигига сайланмасдан олдин ўрта мактабни тугаллаган эди. У ўтган йили қишлоқ хўжалик институтининг сиртқи бўлимига қабул қилинди.

— Қишлоқ хўжалиги раҳбар ходимларининг олий ўқув юртларида сиртдан ўқуви, — деди райком секретари ўртоқ Маматов, — кадрларни тарбиялаш ва уларнинг колхозларга ишнинг кўзини билиб малакали раҳбарлик қилишларида муҳим роль ўйнаяпти.

Х. ЁДГОРОВ.

ЯХШИ!

ЯНГИ ИЛ ЯРМАРКАЛАРИ

НУКУС. Қорақалпоғистон шаҳарларида ва район марказларида янги йил ярмаркалари очилди. Республика пойтахтининг марказидаги катта майдонда палаткалардан иборат шаҳарча пайдо бўлди. Магазинларда кўплаб саноат ва озиқ-овқат товарлари сотилмоқда.

Хўжайли шаҳрида ҳам савдо қизғин. Магазин ва дўконларда давлат товарлари билан бир қаторда, кўпгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бор. Колхозлар бозорга картошка, пиёз, қовун, олма, узум олиб келдилар.

КАСАЛХОНАЛАР КОЛХОЗ МАБЛАҒИ ҲИСОБИГА ҚУРИЛМОҚДА

САМАРҚАНД. Пастдарғом районидаги «Ўзбекистон» колхози посёлкасидаги бу энг катта ва чиройли бино колхоз правлениеси учун атаб қурилган эди. Лекин охирги пардоз ишлари тугалланай деб қолганда, правление бу ерда касалхона очиш ҳақида қарор чиқарди. Янги медицина муассасасида даволаш стационари, рентген кабинети ва бошқа кабинетлар, туғруқхона бўлиши бор.

Пахтакор районидаги колхозлар соғлиқни сақлаш муассасаларини ривожлантириш ҳақида катта ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Охунбобоев номли, «Октябрь қирқ йиллиги», «Ленинчи чорвадор» колхозлари медицина ходимлари ихтиёрига яхши биноларни бердилар, улар учун зарур аппаратларни сотиб олдилар, тез ёрдам хизмати учун енгил автомашиналар ажратдилар.

Самарқанд областида қишлоқ касалхоналари учун жами қирқта энг яхши маъмурий бинолар берилди.

ҚИШЛОҚ БИЛАН ШАҲАРНИ УЛАЙДИГАН ЙЎЛ

Тошкент билан Юқори Чирчиқ районининг маркази Янгибозорни улайдиган йўлдан «Правда» ва «Политотдел» колхозлари томон кенг асфальт йўл қурилди. Колхозлар маблағига қурилган ана шу кўп километрлик йўлдан пассажир автобуслари қатнай бошлади. Бу автобуслар колхоз посёлкасини Ўзбекистон пойтахти билан улади. Машиналар ҳар соатда жўнаб туради ва кунига 600 қишлоқ меҳнаткашини ташмоқда. Пахтакорлар, лубкорлар, чорвадорлар иш куни тамом бўлганидан кейин пойтахт театрларидаги спектаклларни томоша қилиш, шаҳар магазинларига бориш имкониятига эга бўлдилар.

Янгийўл ва Ғулистон районларидаги еттита колхоз ҳам Тошкент билан пассажир алоқасини ўрнатдилар. (ЎзТАГ).

МАМНУНЛИК

Ҳар қандай ногирон киши ҳам мамлакатимизда катта ғамхўрлик ва меҳрибонлик билан ўраб олинган. Пойтахтнинг Октябрь районидаги кўрлар босмахонасида бўлган киши ана шу нарсани яна бир марта чуқур ҳис қилади. Бу ерда ишлаётганларнинг кўпи 100 сўмдан (янги пул билан) ошириб маош олади.

Хўш, бу босмахонада нима ишлар қилинади? Босмахона Ўрта Осиё республикалари бўйича ягона ҳисобланади. Бу ерда турли хил сиёсий ва бадиий адабиётлар ҳамда кўрлар журнали чиқарилади. Босмахонада ишлаётганлар билан қизиқдик. Журналнинг редактор ўринбосари Ўмрихон Исроилова суҳбатда шундай дейди:

— Ёшлигимдан кўзим кўрмайди. Аввалари ҳаёт учун зарурият йўқдек туйилар эди. Аслида бундай эмас экан. Охунбобоев номли кўрлар мактабини тамомлаганимдан кейин чет тиллар институтига ўқишга кирдим. Институтни муваффақият билан тамомлаб, мана шу ерга ишга келдим.

Ўзбекистон кўрлар жамияти марказий правлениесининг нашриёт ва босмахонасида Солих Раҳимбобоев бош редактор, Дудников «Ўзбекистон кўрлар ҳаёти» журналида бош редактор бўлиб ишламоқда. Ўртоқ Дудниковнинг ишлаб туриб аспирантурани тамомлагани бизни ниҳоятда хурсанд қилди.

Кўрлар босмахонаси 1949 йилда ташкил этилди. Босмахона қисқа вақт ичида катта ишларни амалга оширди. Босмахона коллективи бир неча йилдан бери жамиятнинг кўчма Қизил байроғини ўз қўлида сақлаб келаётир. Соатов, Юсупов, Кудинова каби ишчилар кунлик топшириқни 120 процентга етказиб адо этиб, ҳаммага намуна бўлаётирлар. 1960 йилнинг ўзидагина босмахона 50 номда турли бадиий адабиёт чиқарди. Булар орасида Н. Островскийнинг «Бўрон болалари», Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён», Ойбекнинг «Қўёш қораймас», Абдулла Қаҳҳорнинг «Сичқалак», Ҳамид Ғуломнинг «Машъал», Асқад Мухторнинг «Қорақалпоқ қиссаси» каби асарлари бор.

Босмахона коллективи ўтган 1960 йил планини муддатидан илгари бажариб, плидан ташқари анча маҳсулот берди. Босмахона 1961 йилда 1-4-синфлар учун дарсликлар ҳамда рус ва ўзбек классик ёзувчиларининг асарларини нашр этишни планлаштирди.

Ориф ИБРОҲИМОВ.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

⊙ БИР ЙИЛДА 150 ХИЛ ⊙ Ф. КАСТРО БОШЧИЛИГИДАГИ ҲУКУМАТ ЖИПСЛИГИНИНГ НАМОЙИШИ ⊙ АҚШ МУДОФАА МИНИСТРЛИГИНИНГ ЯНГИ ИҒВОГАРЛИГИ ⊙ БЕЛЬГИЯДАГИ ВАЗИЯТ НИҲОЯТДА КЕСКИНЛАШМОҚДА ⊙ БЕЛЬГИЯ ИМПЕРИАЛИСТЛАРИ БМТ УСТАВИ ВА ПРИНЦИПЛАРИНИ ЯНА БИР МАРТА БУЗДИЛАР

ҚАРДОШ СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

ХИТОЙ МАШИНАСОЗЛИГИ ЮКСАЛИШДА

ПЕКИН. (ТАСС). Хитой оғир машинасозлик корхоналари 1960 йилда машиналар, механизмлар ва ускуналарнинг 150 та янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Хитой машинасозлари 1960 йилда 1959 йилдагига қараганда анча кўп маҳсулот тайёрлаб чиқаришга қолмай, шу билан бирга улар маҳсулот таннархини етти процентдан зиёдроқ камайтиришга ҳам муваффақ бўлдилар. Ҳамма корхоналарда техника новаторлиги, ишларни механизациялаштириш ва ярим механизациялаштириш учун бошланган ҳаракат авж олиб кетганлиги натижасида меҳнат унумдорлиги кескин суратда ошди.

Хитойда оғир машинасозлик мамлакат озод қилинганидан кейингина ривож топа бошлади. Оғир машинасозлик хитой халқи томонидан совет халқининг қардошларча беғараз ёрдами туфайли вужудга келтирилди. Ҳозирги вақтда хитой турли металлургия асбоб-ускуналари, прокат станлари ва блюминглар, пармалаш установкалари ҳамда кучли гидравлик пресслар, кўмир ва металл рудалари қазиб чиқарадиган ва уларни бойитадиган комплекс ускуналар ва бошқа машиналарни мустақил равишда тайёрлаб чиқара олади. Республика оғир машинасозлик корхоналари ҳозирги вақтда саноат маҳсулотларининг 700 тадан кўпроқ хилларини ишлаб чиқармоқда.

ВЕНГРИЯ СОЦИАЛИЗМ САРИ БОРМОҚДА

БУДАПЕШТ, (ТАСС). Венгрия Халқ Республикасининг 1961 йил учун тасдиқланган халқ хўжалик плани ҳақидаги ахборотда Венгрияда социалистик жамият негизларини барпо этиш ишлари тугалланаётганлиги қайд қилинади.

Уч йиллик планни бажариш жараёнида халқ хўжалигининг ҳамма соҳалари планлаштирилганидан жадалроқ суръатлар билан тараққий этди. 1960 йилда социалистик саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми 1957 йилдагига нисбатан, планлаштирилган 22 процент ўрнита, дастлабки маълумотларга қараганда 40 процент ортди. Бугунги кунда экин майдонларининг бешдан тўрт қисми социалистик секторга қарашлидир. Деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш 1955-1957 йиллардаги даражадан 12 процент кўпайди. Уч йил ичида миллий даромад пландаги 13 процент ўрнига 20-22 процент ошди.

Ҳар бир ишчи ва хизматчининг реал иш ҳақи 9,5 процент, аҳоли жон бошига қилинган реал даромадлар 17 процент кўпайди. Деҳқонларнинг реал даромади 6-7 процент кўпайди.

Планга мувофиқ, 1961 йилда саноат ишлаб чиқариши 1960 йилдаги даражадан 8 процент ошади.

План қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни 7,9 процент кўпайтиришни кўзда тутади ва ёппасига кооперативлаштиришни 1961 йилнинг бошларида тугаллашни назарда тутади.

Капитал сарфларга 30,7 миллиард форинт маблағ, шу жумладан саноат учун 15 миллиард форинт маблағ ажратилмоқда. Бир йил ичида 317 та йирик иншоот ишга туширилади.

Судан Республикасининг савдо делегацияси Тошкентга келди

1961 йилги Совет—Судан товар обороти тўғрисида олиб борилаётган музокаралар муносабати билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Судан Республикаси савдо делегацияси 4 январда Москвадан Ўзбекистон пойтахтига келди. Делегацияга Суданнинг СССР даги элчиси Ёқуб Усмон бошчилик қилмоқда. Делегация составида Судан савдо, саноат ва таъминот министрининг ўринбосари Муҳаммад Кайлани, шу министрликнинг инспектори Иброҳим Али Муҳаммад Ғаҳал Наби, Судан молия министрлигининг инспектори Форуқ Иброҳим ал Мақбуллар бор.

Судан делегацияси аъзолари Ўзбекистоннинг ҳаёти билан таништадилар. (ЎзТАГ).

НАВБАТДАГИ ЗАРБА..,
В. Вайсборд чизган расм. (ТАСС фотохроникаси).

Жазоирда ўтамустамлакачилар ўз фаолиятларини активлаштирмоқдалар

ПАРИЖ, (ТАСС). Парижда чиқадиган газеталар ҳукуматнинг Жазоир ҳақидаги сиёсатига ўтаётган позициялардан туриб ҳужум қилаётган Жазоир ўтамустамлакачи унсурлари умумий овоз бериш арафасида ўз фаолиятларини активлаштираётганликларини хабар қилмоқдалар. Жазоир шаҳридаги европалик аҳоли ўртасида ҳукуматга қарши варақалар тарқатилмоқда.

Оран департаментида яширин радиопередатчиклар дам-бадам ишлаб, ҳарбий маршлар ва аҳолига «француз Жазоири» учун қурашишга даъват этувчи шиорлар эшиттирмоқда.

Кўпгина обзорчилар Жазоирда умумий овоз бериш бошланадиган 8 январь куни «жиддий воқеалар» келтириб чиқарилиш мумкинлигидан хавотирланмоқдалар.

Руанда-Урунди вакилларининг норозилиги

ЛОНДОН, 3 январь. (ТАСС). Бельгия васийлигидаги Руанда-Урунди территориясида яшовчи халқнинг вакиллари кеча матбуот конференциясида сўзга чиқиб, Мобуту қўшинларига Руанда-Урунди территориясига киришга рухсат этилганлиги муносабати билан газабланганликларини изҳор қилдилар ҳамда улар шу муносабат билан БМТга норозилик телеграммаси юборажакларини айтдилар.

Группа раҳбарлари — Руанда миллий партияси раисининг ўринбосари М. Кайихура ва Руанда демократик партиясининг раиси П. Буанакведи бугун матбуот конференциясида нутқ сўзлаб, Руанда-Урундининг келажаги ҳақидаги масала юзасидан Бельгияда ўтказиладиган ва ўзлари иштирок этаётган конференциянинг муваффақиятли ўтишига жуда оз ишонаётганликларини айтганлар. Улар шу конференциядаги кўпгина делегатлар Бельгия ҳукуматининг гумашталари бўлишларида хавотир бўлмоқдалар. Кайихура ўз раҳбарлигидаги партияда 150 минг аъзо бўлишига қарамай, конференцияда иштирок этишга қўйилмаслиги эҳтимоли борлигини айтган.

«БЕЛЬГИЯ ИМПЕРИАЛИСТЛАРИ БМТ УСТАВИНИ ЯНА БУЗДИЛАР»

ҚОҲИРА, 3 январь. (ТАСС). **Мен** агентлигининг обзорчиси Бельгия ҳукуматининг Мобуту қўшинларига Бельгия васийлигидаги Руанда-Урунди территориясидан Конго қонуний ҳукумати контрразведкасига сўзга чиқиб, Мобуту қўшинларига Руанда-Урунди территориясига киришга рухсат этганлиги тўғрисидаги хабарни шарҳлаб, «Бельгия империалистлари БМТ Устави ва принципларини яна бир марта бузадилар» деб кўрсатади.

Бельгия империалистлари, деб таъкидлайди обзорчи, Руанда-Урунди территориясида идора қилиш соҳасидаги ўз ҳуқуқларидан Конгодаги империалистларнинг малайларига ёрдам кўрсатиш учун фойдаландилар.

Революция ғалабаларининг посбони

ГАВАНАДА ҲАРБИЙ ПАРАД

ГАВАНА, 3 январь. (ТАСС). Гаванадаги энг катта «Пласа Сивика» майдонида Куба революциясининг икки йиллиги шарафига қўзғолончилар армияси ва халқ революцион милицияси қисмларининг ҳарбий паради бўлди.

Қаҳрамон Куба халқи империалистларнинг агрессив найрангларига мамлакат озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилишга қатъий қарор берганлигини намойиш қилиш билан, Фидель Кастро бошчилигидаги революцион ҳукумат теварагида бирлиги ва жипслашганлигини намойиш қилиш билан жавоб берди.

Ҳарбий парадни қўзғолончилар армияси қисмлари бошлаб беради. Пиёда аскарлар, ҳаво ҳужумига ва танкка қарши артиллерия бўлинмалари, бронетанк қўшинлар, оғир артиллерия қисмлари ўтиб боради.

Халқ революцион милицияси отрядлари, роталари ва батальонлари майдонга кириб келади. Улар, юксак малака ва интизомни намойиш қиладилар. Империалистларнинг қуролли интервенцияси хавфи олдида Фидель Кастро ташаббуси билан ташкил қилинган революцион милиция, Куба халқ лашкарлари қисмлари қўлларида автоматмилтиқ ушлаб, тўла жанговар ҳолатда ўтиб борадилар. Булар орасида ўз халқининг бахт-саодати йўлида жанг қилишга тайёр бўлган ёш қўзғолончилар ташкилотининг аъзолари — йигит ва қизлар, ишчи ва деҳқонлар — Куба ватанпарварларидан минг-минглаб киши бор. Қўзғолончилар армияси сингари халқ милициясида ҳам жуда кўп замонавий қурол-ярог: енгил автомат қурол, ҳар хил артиллерия, транспорт воситалари бор.

Парад тамом бўлгандан кейин майдондаги махсус платформада куба ишчилари томонидан тикланган Америка космик ракетасининг корпуси кўрсатилди. Бу ракета ўзида нуқсон бўлганлиги туфайли америкаликлар томонидан Куба территориясида портлатилган эди.

Куба халқи ҳар қандай агрессорга зарба беришга тайёр эканлигини намойиш қилган бу ҳарбий парад етти соатдан кўпроқ давом этди.

Парад тамом бўлгандан кейин Куба революцион ҳукуматининг бош министри Фидель Кастро нутқ сўзлади.

Кубанинг 1961 йилги давлат бюджети

ГАВАНА. (ТАСС). Куба министрлар совети мамлакатнинг 1961 йилги давлат бюджетини 1 миллиард 435 миллион песо миқдорида тасдиқлади. Бюджетдаги маблағнинг кўп қисмини мамлакат экономикасини ривожлантиришга сарфлаш мўлжалланади. Янги саноат корхоналари қуришнинг ўзига 200 миллион песо ажратилди. Бюджетда уй-жой қурилишига 95 миллион песо, жамоат ишларига 113 миллион песо, маорифга 123 миллион песо, соғлиқни сақлашга 71 миллион песо ҳаражат қилиш кўзда тутилади.

Агрессия йўлидаги янги қадам

ВАШИНГТОН, 4 январь. (ТАСС). Қўшма Штатларнинг Куба билан дипломатик муносабатларни узганлиги бу ерда расмий равишда эълон қилинди.

Куба билан дипломатик муносабатларни узиш тўғрисида президент Эйзенхауэрнинг эълон қилинган баёнотида бу тадбир Куба ҳукуматининг АҚШ ҳукумати Гаванадаги ўз элчихонаси ходимларини 11 кишигача қисқартирсин, деб қилган талабига жавоб чоғадир, дейилади.

Маълумки, Куба революцион ҳукумати АҚШ нинг Гаванадаги элчихонаси ходимлари сонини чеклаш тўғрисидаги талабига важ қилиб шуни кўрсатган эдики, Америка элчихонаси ходимларининг кўпчилиги жосуслик билан шуғулланмоқда ва контрреволюцион унсурларга ёрдам бермоқда.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЁЗУВЧИЛАРИ ДОИМИЙ БЮРОСИНИНГ ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИ

КОЛОМБО, 3 январь. (ТАСС). Бугун бу ерда таъсис конференцияси очилди. Конференция Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Тошкентда 1958 йилда ўтказилган конференциясининг Цейлонда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг доимий бюросини ташкил этиш ҳақидаги қарорини бажармоқ учун чақирилган.

Конференцияга Хитой Халқ Республикаси, Бирлашган Араб Республикаси, Судан, Индонезия, Япония ва Цейлон ёзувчилари етиб келдилар. Совет Иттифоқи, Гана ва Камерун делегацияларининг келиши кутилмоқда.

Конференция очилишида Цейлон маданият министри М. Сенанаяке ва савдо министри Т. Илангаратне (у Цейлон ёзувчилари уюшмасининг вице-президентларидан биридир) табрик нутқи сўзладилар.

М. Сенанаяке Цейлон ҳукумати Цейлонда Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг доимий бюросини ташкил этишда бутун чоралар билан ёрдам беради, деди.

БЕЛЬГИЯДАГИ ВОҚЕАЛАР

ПАРИЖ, 3 январь. (ТАСС). Бугун эрталаб Бельгия пойтахтининг кўчалари одатдагидан ташқари жим эди. Деярли ҳамма трамвайлар ва шаҳар автобуслари паркларда қолди, аҳён-аҳёнгина кўчалардан автомобиллар ўтиб турди. Эрталаб соат 9 га бориб, Халқ уйи—касаба союзларининг штаб-квартираси биноси олдида минглаб меҳнаткашлар тўплана бошлади. Орадан бир оз вақт ўтгач намойишчилар колоннаси майдондан чиқиб, юриш бошлади. 10 мингдан ортиқ киши ташкил этган намойишчилар «Иўқолсин Эйскенс!» деб ёзилган плакатларни кўтариб бордилар ва ҳукуматнинг истеъфо беришини талаб қилган шиорларни қайта-қайта айтиб бордилар.

Бугун парламент ўз ишини яна бошлаб юборади. Парламент биноси олдидаги майдон ҳозир жанг майдонига ўхшайди: танк ва бир неча броневик тайёр турибди. Намойишчиларга қарши ўт ўчириш насослари ҳам тахт қилиб қўйилган. Парламентга борадиган тор кўчаларда полиция ва жандармерия баррикадалар қуриб, уларни тиконли сим билан ўраб олганлар.

Мамлакатнинг бошқа шаҳарларидан олинган маълумотларга кўра, Бельгиянинг кўпчилик йирик саноат марказларида ҳам шундай намойишлар бўлиб ўтган. Антверпен кўчаларида меҳнаткашларнинг кучли намойиши бўлиб ўтган. Бу намойишда 15 мингдан ортиқ киши қатнашган. Намойишчилар норозилик забастовкасида қатнашаётган ҳамма корхоналар олдига соқчилар қўйганлар.

Информация агентликларининг маълумотларига кўра, Бельгия маъмурлари кейинги бир неча кун ичидагина 200 дан ортиқ кишини ҳукумат сиёсатига қарши ҳаракатларда айблаб, қамоққа олганлар.

Бельгияда вазият кескинлашмоқда. Телеграф агентликлари берган шошилинч хабарларда айтилишича, Брюсселда ва Антверпенда отлиқ полиция ва жандармерия намойишчиларни тарқатиб юборишга уринган. Антверпенда жандармлар 10 кишини яралар қилганлар.

Чет эл хроникаси

⊙ **Бирма Иттифоқининг бош министри У Ну Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашининг бош министри Чжоу Энь-лай шарафига ва у бошчилик қилаётган Хитой Халқ Республикасининг яхши ният делегацияси шарафига катта давлат қабул маросими ўтказди.**

⊙ **Бухарестда совет пианиночиси Яков Закнинг концерти бўлди. Концерт зўр муваффақият билан ўтди. Яков Зак Бухарестдан ташқари Яссида, Клужда, Темишоарада ҳам концертлар берди. Руминия матбуоти совет пианиночисининг маҳоратига юксак баҳо бермоқда.**

⊙ **Вьетнам Демократик Республикаси президенти Хо Ши Мин Вьетнам меҳнаткашлар ёшлар союзи Марказий Комитетининг таклифига биноан бу ерга келган Совет Иттифоқи ёшлари ва студентлари делегациясини Ханойда қабул қилди. Совет ёшларининг вакиллари президентга биринчи совет йўлдошининг моделини тақдим этдилар.**

⊙ **1 ва 2 январда Оденс шаҳрида (Дания) «Атом қуролига қарши курош Умум Данния ташкилоти» правлениесининг мажлиси бўлди. Бир овоздан қабул қилинган резолюцияда Дания НАТО кенгашининг Ослода бўладиган навбатдаги сессиясида Дания территориясида атом қуроли жойлаштирилишини кўзда тутадиган ҳар қандай планларни рад этсин, деб талаб қилинади.**

⊙ **1960 йил декабрь ойининг охирида Австрияда 108 минг 274 ишсиз рўйхатга олинди. Ноябрь ойидагига нисбатан ишсизлар сони 37 минг 570 киши кўпайган.**

⊙ **Исроилда янги йилдан бошлаб нон нархи 5 процент ва сут нархи 7 процент оширилган. Шунингдек, автобусларда нира ҳақи 12 процент ошган, шу йил январь ойида озиқ-овқат маҳсулотлари ва кенг истеъмол товарлари учун бошқа йўллар билан олинадиган солиқлар яна анча кўпайтирилади.**

⊙ **Англиянинг 7.660 тонна ҳажмли «Индиан навигейтор» юк кемаси Атлантик океанда чўкиб кетган. 13 кишидан иборат команда ҳалок бўлган деган хавф бор.**

⊙ **Ниигата префектурасида кучли қор бўрони натижасида беш киши ҳалок бўлган. Бир неча киши бедарак йўқолган, 37 бино вайрон бўлган.**

⊙ **Голландиянинг ҳарбий самолёти Ғарбий Ириан яқинида, Биак оролидаги ҳарбий-денгиз базасидан ғарбжанубда денгизга йиқилиб тушган. Ҳалок бўлган самолёт Голландия маъмурлари томонидан яқинда Ғарбий Ирианга юборилган группа составида эди. (ТАСС).**

Бу лимонларни тажрибали қишлоқ хўжалик ходимлари етиштирмаган. Бу лимонлар Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги Сталин номли 81-мактабнинг Мичурин участкасида ўқувчилар қўли билан етиштирилган. Участкада ўқувчилар пахта, анор, узум ва бошқа мевалардан яхши ҳосил олдилар. СУРАТДА: 7-синф ўқувчиси Шарифа Усмонова ўзи ва ўртоқлари етиштирган лимон олдида.

Х. ҲАПИТМУҲАМЕДОВ фотоси.

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ХАРАКТЕРИ

ЮКСАК ҲАЛОЛЛИК

Пул айирбошлаш яқинлашган кунларнинг бирида Қумри хола ўғлига ёрилиб қолди:

— Аброржон, озгина пул тўплаган эдим, нима бўларкин-а?

— Нима бўларди, ойижон, пулингиз яна ҳам қадр топади-да, — овунтирди Аброр ва ҳазил-тойифа қилиб: — пулингиз кўпми? — деб сўради.

— Бо, қаёқда дейсан, ўн битта юз сўмлигим бор.

— Янги пулга алмаштирганда ҳам ўн битта бўлади, холос, —деди кулиб ўғли.

2 январь куни эрталаб, Қумри хола Тошкентдаги Октябрь советколхоз бозори ҳузурида ташкил этилган 92-пул айирбошлаш пунктига келди ва ўн битта юз сўмликни дарчадан озгинга кассир йигитга узатди. Кассир кампирга бир тутам яп-янги, лекин чоғроқ пул берди.

Қумри хола ўз умрида кўпни кўрган, кассир йигитга бир қараш-даёқ «ҳа, тўғри бола экансан» деб кўнглидан ўтказган эди. Шунинг учун у узатган пулни санамай дастўмолига ўради-да, уйига қайтди.

Аброржон дўстлари билан томошага бориб, кеч келди. Қумри хола унинг олдига овқат келтириб қўйди ва:

— Ўн битта қоғоз пул беради девдинг, кўп берди-ку, — деди кампир севинчини сигдиролмай.

Аброр, гарчи кичик лотокка сотувчилик қилса ҳам, янги пулларнинг ҳамма нусхасини кўриб улгурмаган эди. Шу сабабли янги пулларни кўриш ҳаваси туғилди.

— Қани кўрайчи? — деди ойисига.

Кампир дастўмолни олиб келди.

— Ойи, бу — кўп-ку? Пулингиз кўп экану мендан яширибсиз-да!

Қумри хола ўксинди: наҳотки, Аброржон онасининг гапига ишонмаса!

Унгача Аброр пулни санади: бир юз битта ўн сўмлик — эски пулга ҳисоблаганда, ўн минг бир юз сўмга тенг.

— Ойи, сизга адашиб кўп пул беришибди. Эрта биланоқ элтиб беринг.

— Вой шўрим, кассир бечора ухламай ўтиргандир...

...Ҳақиқатан, бу маҳалда пул айирбошлаш пунктининг бошлиғи Солиҳ Юнусов, контролёр Абдумалик Қосимов, кассир Салоҳиддин Жалолов, давлат банкасининг бошқарувчиси Соға Муҳитдиновалар айирбошланган пулларни ва янги пулларни тўртинчи марта қайта санамоқда эдилар, бироқ қанча санамасинлар, кассада янги пулдан тўққиз юз сўм етмас эди.

— Эслаб кўр, эҳтимол, кимга адашганингни биларсан? — сўради Солиҳ ака Салоҳиддиндан қайта-қайта. У эса ҳарчанд ўйлар, лекин мутлақо эслай олмасди.

3 январь куни Қумри хола пул айирбошлаш пунктига келди. Дарчадан мўралаб кўрди. Кечаги йигит йўқ, унинг ўрнида бошқа бир аёл ишлаяпти. Бировга масалахат солса бошқа йўлга бориб қўядигандек ҳеч кимга сир ишқор қилмай, қайтиб кетди. Кечки пайт яна келди. Эшиклар берк, касса ёпиқ эди. Эртаси, яъни куни кеча яна келди. Пункт эшигини қаттиқ-қаттиқ урди. Эшик очилди.

— Ким керак эди?

— Аввал куни ишлаган кассир, — деди паст бўйли, кичик жуссали кўз ойнак тақкан аёл.

— Нима ишингиз бор эди, айтингчи?

— Йўқ, фақат ўзига айтаман.

Собиқ кассир Салоҳиддин Жалолов келди. Кампир унга бир тутам пул узатди:

— Ҳушёр бўлинг, бунақа адашманг. Бу — давлатнинг, халқнинг пули, — деди.

Самарқанд дарвоза кўчасидаги 5-уйда яшовчи Қумри хола Иброҳимова ва унинг ўғли Аброржон Қодировнинг бу ҳатти-ҳаракатида совет кишиларининг олижаноб ва юксак маънавий қиёфасини кўрамиз.

Рустам РАҲМОНОВ.

Редактор И. РАҲИМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

5 ЯНВАРЬДА

11.00 — **«Дон Кихот» балети** (Алишер Навоий номли театрдан). 19.00 — **«Турли ғилдираклар», «Ҳаво почтаси»** (болалар учун мультипликацион фильмлар). 19.35 — **Сўнгги ахборот.** 19.55 — **Фан ва техника оламида** (саноат ходимлари учун ўзбек тилида). 20.25 — **«Сув ости қоялари»** номли киноповесть. 21.45 — **«Бир уйдаги тўрт киши»** (Горький номли рус драма театрининг янги спектаклидан парчалар).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/I да эрталаб **Дон Кихот**, кечқурун **Майсаранинг иши**. СССР халқ артисти **Ҳалима Носирова**, Ўзбекистон ССР халқ артисти **Карим Зокиров**, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар **Нонла Ҳошимова, Жамол Низомхўжаев, Михаил Давидов** ва солист **Эргаш Йўлдошев** қатнашади, 6/I да эрталаб **Доктор Айболит**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/I да эрталаб **Тоға-жиянлар**, кечқурун **Ҳамза**, 6/I да эрталаб ва кечқурун **Ҳамза**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/I да эрталаб **Ошиқ Ғариб**, кечқурун янги спектакль **Паранжи сирлари** («Холисхон»), 6/I да эрталаб **Хоразм эртаси**, кечқурун **Олтин кўл**.

КИНО

Қалъа сири — «ВАТАН» (эрталаб соат 10-20 минут ва кундуз 12 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ» (кундуз 1ва 3 да), «МИР» (эрталаб 10 ва кундуз 12 да).

Бировнинг ташвиши — «ВАТАН», «ИСКРА», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛЛИГИ», «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Янги Гулливер — СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да), НАВОИЙ номли (эрталаб 11-да), «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб 10 ва кундуз 12 да), «СПУТНИК» (эрталаб 11, кундуз 12 ва 1 да).

Бўрон олдида — НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

„Циркда арча“

10 январгача

томошалар кундуз соат 12,3 ва кеч 7 яримда бошланади. РСФСРда хизмат кўрсатган артист

Юрий Владимирович ДУРОВ

қатнашади.

Билетлар сотилмоқда. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади

Қурилиш министрлигининг махсуслаштирилган 93-ТРЕСТИГА

металл конструкцияларини монтаж қилувчи слесарлар, электросварқачилар, ишлаб чиқариш-техника бўлимининг инженерлари

керак

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Апанасенко кўчаси, 35-уй.

Ҳамид Олимжон номли Самарқанд область музикали драма театрининг

1961 йил 2 январдан

Ҳамид Олимжон номли Самарқанд давлат ўзбек музика театрига

айлантирилиши муносабати билан юқори, I ва 2-категорияли

АКТЕРЛАР, ХОР ВА БАЛЕТ АРТИСТЛАРИ ҲАМДА МУЗИКАЧИЛАР СОСТАВИГА

30 ёшгача бўлган кишилар

қабул қилинади

Театрга: **мебель, реквизит бутафория ва электр цехларининг мутахассислари ҳам керак.**

Аризалар 1 февралгача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Самарқанд шаҳар, М. Горький номли Марказий маданият ва истироҳат парки.

УРТА ОСИЁ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

«Автомобиль йўллари» кафедрасининг вакант доценти вазифасига ишлаш учун

КОНКУРС

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати—29/I гача. Аризага тегишли ҳужжатлар икки нусхада қўшиб топширилади. Адрес: Тошкент шаҳар, Якуб Колас кўчаси, 16-уй, конкурс комиссияси.

ҚУҚОН АВТОТРАКТОР-РЕМОНТ ЗАВОДИ

ТУГАТИЛАДИ

Даъволар 12/I гача қабул қилинади.

Адрес: Қўқон шаҳар, Куйбишев кўчаси, 31-уй.

Шаҳрисабз кўчаси, 182-уйда турувчи **Қундуз Ёқубовна Мамбетованинг** Носиров кўчаси, 24-уйда турувчи Ўткир Мирхалиловичга Мамбетовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ, «Правда Востока» кўчаси 26 уй

КОММУТАТОР — 26334, 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: партия турмуши — 33469, Пропаганда — 33469, Саноат ва транспорт — 34780, Совет қурилиши — 34780, Қишлоқ хўжалиги — 27604, Адабиёт ва санъат — 32036, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524, Маҳаллий ахборот — 32347, Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, Секретариат — 31226, Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси

Р. 03504. Нашр. Б. 4.